



ҲАМКОРЛИК

РИМ ЙЎЛЛАРИ САМАРҚАНДГА ЭЛТАДИ

Мамлакатимизга расмий ташиф билан келган Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони Самарқанд шаҳрида кутиб олинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий қарши олди.

Тантанали кутиб олиш маросимидан сўнг Самарқанд шаҳридаги Конгресс марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелонининг юзма-юз ҳамда расмий делегациялар иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Томонлар амалий натижаларга эътибор қаратган ҳолда "Марказий Осиё – Италия" саммитини ўтказиш муҳимлигини таъкидлашди. Давлатимиз раҳбари Италиянинг етакчи компаниялари билан Технологик шериклик дастурини ишга туширишни тақлиф қилди.

Хусусий тадбиркорликнинг инновацион лойиҳалари, ўта муҳим минераллар ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, автомобилсозлик учун бутловчи қисмлар, электротехника, энергетика, озиқ-овқат, фармацевтика, қурилиш саноатида юқори



технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тўқимачилик, чарм, мебелсозлик ва бошқа тармоқлар учун дизайн марказларини ташкил этиш устувор йўналишлар сифатида қайд этилди.

Комплекс "Йўл харитаси" асосида қишлоқ хўжалигида кенг қўламли илмий-технологик ҳамкорлиқни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Узум, зайтун, заъфарон, сарсабил етиштириш, агролабораториялар ташкил этиш, биотехнологияларни ривожлантириш ва агросуғуртани жорий қилиш бўйича кооперация истиқболлари қайд этилди.

Янги лойиҳаларни илгари суриш мақсадида Ҳукумат-

лараро гуруҳ ишини қайта тиклаш ва унинг йиғилишини бизнес форуми билан бирга ўтказишга келишиб олинди. Таълим соҳасида мамлакатимизда Тушия университети филиалини, Пиза, Трен-то, Рома Тре ва Ка-Фоскари университетлари билан икки томонлама диплом дастурларини ишга тушириш режалари қўллаб-қувватланди. Ўзбекистонда Италия маданияти кўларини ўтказишга келишиб олинди. Ташиф доирасида меҳнат миграцияси соҳасида тизимли ҳамкорлиқни йўлга қўйишга қаратилган битим имзолангани мамнуният билан қайд этилди. Учрашув якунида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича комп-

лекс "Йўл харитаси"ни тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Олий даражадаги Ўзбекистон – Италия музокаралари якунида халқаро Конгресс марказида Самарқанд шаҳридаги кўчага Рим шаҳри номи беришга бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу қарор чуқур тарихий ва маданий алоқалар, стратегик шериклик муносабатларининг ҳозирги юксак даражасини инобатга олган ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон ва Италия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳурмат рамзи сифатида қа-

бул қилинганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони Самарқанд шаҳридаги Конгресс марказида ташкил этилган "Ўзбекистон ва Италия: цивилизациялар мулоқоти" кўргазмасини томоша қилдилар.

Ноёб экспозиция икки мамлакат ўртасидаги чуқур тарихий, илмий ва маданий алоқаларга бағишланган. У "Рим ва Кушон империяларининг савдо муносабатлари", "Биринчи Уйғониш даври", "Марко Поло", "Амир Темур", "Мирзо Улуғбек" ва "Заҳириддин Муҳаммад Бобур", "XIX асрда Ўзбекистондаги италияликлар", "Иккинчи жаҳон урушида ўзбекистонликларнинг Италияни озод қилишга қўшган ҳиссаси", "Ўзбекистон ва Италия: маданий мероси асраш" каби 9 та мавзули бўлимдан ташкил топган.

Меҳмонларга Афросиёбнинг "Самарқанд ҳукмдори томонидан элчиларни қабул қилиш маросими" номли деворий суратнинг машҳур италиялик уста Мауро Пелли-цонни томонидан Флоренция мозаикаси услубида ишланган ноёб нусхаси намойиш этилди.

Шунингдек, етакчилар турли тарихий ёдгорликлар, график тасвирлар, қўлёзма ва миниатюралар, нодир адабий нашрлар, ҳайкаллар, архив суратлари ва ҳужжатлари билан танишдилар.

ЎЗА.

АБАДИЙ АДАБИЁТ



“ҚОЙИЛМИСАН ИНСОНГА, ЗАМИН?!”

Бир кун чошгоҳда дўстларим менга шу хабарни етказди: “Олмаотада “Аз и Я”нинг эллик йиллиги нишонланаркан. Унда Ўлжас Сулаймоннинг шахсан ўзи ҳам қатнашаркан. Дунёнинг манамаман деган олимлари тупланаркан”. Шу он Билга Тўноққудай сапчиб ўрнимдан турдим. Очиги, “Бу гапни эшитиб, тунлар уйқум келмади. Кундуз ўтиргим келмади”. Ундан сўнг Бош муҳарриримга илтимос қилдим: “Борайлик. Ёзайлик. Босайлик”. Рухсат теги. Учиб кетдим.

Хаёлимда таниш сатрлар айланади: “Мен тунги шаҳарлар узра сузаман...”

Истарали қизнинг овози жаранглайди: “Ҳурматли йўловчилар, самолётимиз Олмаота шаҳридаги халқаро аэропортга қўнишга ҳозирлик кўрмоқда...”

(Давоми 2-саҳифада.)

ТАҚДИМОТ

“ВАТАН МАНЗУМАСИ”



Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, энг аввало, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг юртга садоқатини, жамият олдидagi масъулиятини мустаҳкамлашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Бу борада пойтахтимиздаги “Туркистон” санъат саройида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ватан манзумаси” тадбирининг ўрни бекиёс. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур маърифий лойиҳанинг навбатдаги дастури “Янги Ўзбекистон армияси – мамлакат таянчи, халқимиз фахри!” деган эзгу ғоя асосида тайёрланди. Унинг шакл ва мазмун жиҳатдан янада бойиб, қўламини ва қамрови кенгайгани эътиборга лойиқ.

(Давоми 2-саҳифада.)

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ДАРЁ БЎЙИДАГИ ЎЙЛАР



Таниқли шарқшунос олим, академик Неъматилла Иброҳимовнинг кутлуг ёши сабаб у киши ҳақида бир нима қоралашга жазм қилдим. Чунки анчадан бери танийман, кўп бор суҳбатдош бўлганман. Дастлабки сатрлар қозоғга тушиб-тушмай, негадир хаёлим чалғиди, устоз Эркин Воҳидов айтиб берган бир муҳим гапни эсладим.

“Алихонтўра Соғуний домла иштирокида бир тўп зиёлилар ҳар ойда давра куриб турардик.

“Мулла билганини ўқийди” деганларидек, ҳамма ўзича гап бошлар, суҳбатимиз баъзан фойдасиз баҳс, футбол, савдо-сотик, уй-жой юмушларига бурилиб кетарди. Бундан ажабланган домла бир кун менга: “Эркинжон, ҳаммалари мунаввар одамлар, беҳуда гап-бозлиқ қилгандан кўра, билмаганларини мендан сўрашмайдами, билганимча айтиб бермайманми?” деб қолдирар ўқингандай бўлиб. Бу гапни дарҳол жўраб-шимизга етказдим. Кейинги гал домлага бир-иккита савол беришни мўлжал қилдик. Белгиланган кун йиғилдик. Суҳбат бошланди, аммо... яна ўша эски мавзулар.

(Давоми 5-саҳифада.)

ГУРУНГ

“РАССОМ – ШАКА ВА ҲОЛАТ ШОИРИДИР”

Ўзбек Миллий академик драма театри бош расмони,
Ўзбекистон санъат арбоби Бахтиёр ТЎРАЕВ билан суҳбат

– Бахтиёр ака, “рассом” сўзи жуда қадимий бўлиб, “доно ва чаққон қўл” деган маънони англатар экан. Буни қарангки, дастлаб қушнинг қаноти тасвирини чизиб, сўнг уни ясаб самога парвоз қилган Дедалъ инсоният тарихида биринчи афсонавий рассом сифатида қабул қилинган. Сиз бир суҳбатингизда “Ўзим қургани иморатда ўзим ҳам яшагим келади”, деган эдингиз. Сиз Маннон Мажидий номли

театр ҳовлисида ўйнаб-ўсган каттақўрғонлик Бахтиёр исмли болақайдан узоқ йиллик меҳнат-машаққатлар туфайли истеъдодли мусаввир, саҳна расмони ва режиссёр Бахтиёр Тўраевга айландингиз. Айтинг-чи, яратаётган асар, образ, эскизларингизда ўзингизни, ўз-лигингизни ҳис қила оляпсизми?

(Давоми 3-саҳифада.)

АЁЗ, ЧОРИФИНГНИ УНУТМА!



Катта авлод вакиллари онгига сингдирилган: “...октябрь инқилобигача Туркистон аҳолисининг атиги икки фоизигина саводли эди” мазмунидаги маълумот барча мактаб ва олий ўқув юр்தларининг дарсликларида киритилган эди. Бу катта ёлғон ортида яна “...советлар Туркистонга маданият, маърифат олиб келди” деган иддао ҳам бўларди.

Неча авлод шу ёлғонларга ишониб яшади. Хонлик даврида қайсидир мадрасани битириб охун даражасига етган, бир эмас учта: араб, форс ва туркий тилини сувдек биладиган кишилар ҳам уларнинг наздида “саводсиз”лардан ҳисобланарди.

Негаки, улар кирилл алифбосида ўқиш ва ёзишни билмас эди-да!

Аммо бошқа ҳақиқатлар ҳам бор. Шу ўринда “сопини ўзидан чиқариш”га – даъвогарларни ўз тилидан тутиш усулига ўта-миз. Қандай қилиб дейсизми? Мана...

Ўтган асрнинг эллагинчи йиллари охирида нашр қилинган кўп жилдли “Ўзбекистон ССР тарихи”нинг иккинчи қисми иккинчи китобининг ўнинчи бобида келтирилган факт ва рақамларга бир қўр назар ташласак, совет тарихчилари ўзларини ўзлари инкор қилганлигига ғувоҳ бўламиз.

Ушбу бобнинг “Халқ маорифи” бўлимида ўқиймиз: “Фарғона ва Самарқанд об-ластларида 1894 йилда 3498 мактаб ва мадраса бор эди.

(Давоми 5-саҳифада.)



“ВАТАН МАНЗУМАСИ”

ЯНА ЮРТ БЎЙЛАЙДИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ҳамда Маданият вазирликлари, Ўзувчилар уюшмаси, Кинематография агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда ватанпарварлик, мардлик ва жасорат, тинчлик ва оқийшталикини асраб-авайлаш, эл-юрт фаровонлиги йўлида камарбасталик сингари фазилатлар ўз ифодасини топган.

– “Ватан манзумаси” ёш ўғил-қизларни мохиятдан ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳайдарали Қосимов. – Дастур нафақат ёшлар, балки ота-оналар, устозлар, ҳарбий тарбиячилар билан ҳам узвий боғланган мукамал ғоявий тизимга эга.

Дастур аниқ ғоя ва сценарий асосида тайёрланган бадиий-композицион чиқишлар билан томошабиларда янада қизиқиш уйғотди. Илҳом, тадбир доирасида пойтахтимиздаги “Ғалаба боғи”да барпо этилган “Миллат фидойилари” ёдгорлик мажмуаси ва “Хотира нури” композициясининг маънавий

аҳамиятини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилгани дастурнинг таъсирчанлигини янада оширган.

Дастур чоғида ташкил этилган кўргазмада ҳарбий қурол-яроғ макетлари, тарихий шахслар портретлари, ватанпарварлик мавзусидаги бадиий асарлар ва китоблар намоиш этилди. “Туркистон” саройи фойесида ташкил этилган экспозициялар тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

Шу билан бирга, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда Ўзувчилар уюшмаси томонидан “Мард аскарларга совға” туркумида нашр этилган янги китоблар тақдироти ҳам ўтказилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, “Ватан манзумаси” тадбирларини яқин кунларда Қорақалпоғистон Республикасини, барча вилоят, шаҳар ҳамда қишлоқларда, таълим муассасалари ва маҳаллаларда ҳам намоиш этиш режалаштирилган. Бу орқали мамлакат бўйлаб ёшларнинг ватанга муҳаббати ва садоқатини янада мустаҳкамлаш мақсад қилинган.

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА

“ҚОЙИЛМИСАН ИНСОНГА, ЗАМИН?!”

Бошланиши 1-саҳифада.

Чалғимайман, пичирлайман:

“Боқиб мен самолёт даричасидан, кўраман, азалдан танишдир улар...”

Ҳа, аввалдан таниш. Масалан, анави тоғлар ҳақида минг марта ўқиганман. Пастдаги эса *“йилқиси билан машхур, қадим қилчоқ ери”*. Ундаги мўъжаз шаҳарда бир пайтлар Белла исмли қизча яшаган. Айнан шу ерда Назар бованинг боласи деразага тош отиб, йиғлаган. Мамбет ботир эса зиндон даричасидан мана шу бургутсевар осмонга алам билан тикилган. Дарвоқе, 1961 йилнинг 12 апрелида Бойкўнгирдан учаётган ҳаво кемасини минглаб кўзлар шу осмон остида фазога қузатган. Ундан бир кун аввал ушбу оламшумул англияликни эшитган “Казахстанская правда” рўзномасининг қийқ кўзли, чапани, шоиртабиат ходими ҳаяжондан қичқариб юборганди: *“Қойилмисан инсонга, замин?!”* Ва у туни билан шеър ёзиб чиққанди. Натижада...

Эртаси куни осмондан шеър ёғди! Тушуняписи, юз минг нусхадаги биргина шеър! Улар бирин-кетин Олмаотадаги уйлар томига, кўчаларига, Еттисув даштининг ёввойи отларини суғорадиган Тентақсойга, қудуққов Қазбекнинг сут вишиллаб тошаётган қозонига, Қоработир ва Ўроқботир айтишув қилиб турган даврага, ҳуллас, ҳамма ерга оҳиста-оҳиста кўнди. Бир ҳафта ўтар-ўтмас кичик шеър ўсиб-ўсиб, катта дoston бўлди. Май ойида ҳайратга тўла ушбу поэмани “олтмишинчи йиллар шоири” Американинг Колумбия университетида, июль ойида Парижда, Сорбонна залида, кейин дунёнинг бошқа юксак минбарларида ҳайқариб ўқиди. Ўша кезларда ёш шоир денгиз бўйларидаги шаҳарларнинг ялғинаётган чироқларига қараб ҳозиргидек пичирлагани аниқ:

“Нью-Йоркда дostonлар ўқийман жўшиб, Мисрда шеър биттум андуҳим қўшиб”.

Шу ҳаёллар билан қандай кўниб, қандай жойлашиб, қандай ухлаганимни билмай қолдим. Тонг отди. Пардаларни очдим. Ва...

“...Албатта, мен ўзимни Олмаотада жуда қулай ҳис қиламан. Чунки бу тоғларга муҳтожман, интиқман, зорман. Болалигимдан эрталаб туриб, деразадан пушти-оқ чўққилари бўлган қорли тоғларни кўришга одатланганман. Бу ер менга Париж, Москва ёки Римдан кўра мина чандон азизроқ!”

Шоша-пиша Нархоз университетининг мажлислар залига етиб олдим. Тумонат одам. Тадбирни Қозғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазири Аида Балаева табрик сўзи билан очиб берди.

Кўзларим саҳнада қаторлашиб турган фозил одамлар ичидан таниш чеҳрани излайди. Мана у, туркий халқларнинг сеvimли шоири, қалби ва тафаккури қозоқ даштларидай кенг олим, ўз вақтида йирик тадқиқотлар билан дунёни ҳайратта



солган, мустабид тузум малайларини яхшигина талвасага солган ва шунинг ортидан кўпгина таълиқларга учраган жасоратли арбоб – Ўлжас Сулаймон!

Бу ёқда “Аз и Я” китобининг эллик йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бошланди. Мавзу: “Туркславистиканинг туғилиши”. Деҳқонча тушунтирганда “Туркий ва славян халқларининг тили, маданияти туташган нуқталарни ўрганувчи фаннинг дунёга келиши”.

Кейин сўз ЮНЕСКО ҳомийлигидаги Маданиятларни яқинлаштириш халқаро маркази директори Ўлжас Сулаймоновга берилди. Сезиб турганингиздек, у барчага миннатдорлик билдирди ва илмий жамоатчилиқни ҳайратга солувчи англиялик – қозоқ тилини қадимги Миср цивилизацияси билан боғловчи лингвистик гипотезияни илгари сурди. Унга кўра, “қозоқ тилида сўзлашувчилар “Осирис қонуни”нинг меросхўрларидир”. Муаллиф “Осирис” сўзидаги “ос”ни туркий тилларда мавжуд бўлган “ос” (ўсмоқ) сўзига алоқаси бор деган фаразга таянмоқда. Бунинг қанчалик ҳақиқатга яқинлигини вақт ва илмий изланишлар кўрсатади.

Шунингдек, анжуманда ТУРКСОЙ Бош қотиби Султон Раев, тожикистонлик таниқли шоир Тимур Зулфировов, франциялик филолог ва тадқиқотчи Кетрин Пузо, “Аз и Я” симфоник-концерти муаллифи, композитор Игор Мациевский, Россия таълим академияси аъзоси Владимир Филиппов, Ўзбайжондаги Отатурк маркази директори, академик Низомий Жафоров ва бошқалар “Аз и Я” ҳақидаги маърузалари билан иштирок этди. Чиқишларда 1975 йилда нашр этилган “Аз и Я” китоби XX асрнинг дадил илмий-поэтик экспериментига айлангани қайта-қайта таъкидланди.

Қизиғи, шу кунгача дунёнинг кўплаб тиллари таржима қилинган асарнинг қозоқчадаги янги нашрига Қозғистон теннис федерацияси президенти, таниқли тадбиркор ва хайриячи Булат Ўтемуратов ҳомийлик қилган. Ушбу янги нашр ва 1970-80-йилларга оид архив тўплами ва “Простор” журналининг мазкур асарга бағишланган

юбилей сонининг тақдироти анжуманнинг кульминацион нуқтаси бўлди, дейиш мумкин.

Тадбир доирасида инсонпарварлик ғояларини илгари сурган ва маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келатган соҳа мутахассисларига журналистика бўйича Ўлжас Сулаймонов номидаги халқаро мукофот топширилди. Ўлжас оғага эса Озарбайжон Ўзувчилар уюшмаси томонидан Муҳаммад Фузулий медали тақдим этилди. У фақат хорижий шоирларга юксак адабий ютуқлар учун берилади. Бундан ташқари, қозоқ ўзувчиси жаҳон адабиёти ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун Жаҳон ўзувчилар ташкилотининг Олтин медалига сазовор бўлди.

Анжуманнинг кейинги қисмида тарих фанлари доктори, профессор Кетрин Пузо куйидаги фикрларни айтиб ўтди: *“Ўлжас Сулаймонов сунъий интеллектдан тез фикрлайди. Чунки у ҳақиқий инсон қалби ва тафаккурига эга йирик шахс. Масалан, у ўзининг машхур “Қойилмисан инсонга, замин?!” дostonида шундай деган: “Шарқ йўқ, Ғарб йўқ, Она замин деган буюк сўз бор!” Турли кутбларга бўлиниб кетаётган бугунги дунё учун жуда зарур бўлган фикр бу!”*

Тадбир ўтказилган залга қираверибдан Ўлжас оғанинг ҳаёти, ижоди ва фаолиятидан сўзловчи кўргазма ҳам ташкил қилинган. Конференция якунида туркий славяншунослиқни ривожлантиришга оид махсус битимлар имзоланди. Йилиги қатнашчилари ва хориждан келган олимларга “Jadid” газетасининг янги сонлари тақдим этилди.

Мен ЮНЕСКОнинг Олмаотада жойлашган Маданиятларни яқинлаштириш марказига бориб, “Jadid” газетасида эълон илгари сара мақолалар асосида chop этилган “Тилда, фикрда, ишда бирлик” китоби ва ҳафталикнинг бир неча сонларини Ўлжас Сулаймоновга тақдим этдим. Оға кўп хурсанд бўлди ва ўзбекистонлик бовурларига қардошлик саломини ўллади.

Шаҳриёр ШАВКАТ

Тошкент – Олмаота – Тошкент

ИСЛОҲОТ

Инновацион лойиҳалар ҳар қандай соҳанинг тараққиёти ва барқарор ривожланишида муҳим қалит вазифасини ўтайди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондонини Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда мудофаа соҳасини ислоҳ қилиш, миллий армиямизнинг жанговар салоҳиятини мустаҳкамлаш, уни замонавий технологиялар асосида қайта шакллантириш бўйича улкан лойиҳалар амалга оширилмоқда.



МУДОФАА САНОАТИДА ИННОВАЦИЯ

Натижада қўшинларимиз замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар билан бутланиб, Янги Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва суверенитети, халқимиз хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлашга қодир бўлган профессионал армия яратилди. Қуролли Кучлар таркибидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда замонавий қурол-яроғ, махсус техника ва ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозлаш ишлари тизимли ва мунтазам амалга оширилмоқда. Шунингдек, ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимида илмий ва амалий ёндашувларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳарбий-техник соҳада 50 га яқин давлатлар билан ҳамкорлик ўрнатилиб, 30 дан ортиқ илғор хорижий компаниялар билан шартномалар имзоланди. 40 та маҳаллий корхона билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари 155 тага етказилиб, хизмат кўрсатиш 2,5 баробарга оширилди.

Дунёдаги энг сўнгги ва замонавий технологиялар, аввало, ҳарбий соҳадаги изланиш ва тадқиқотлар натижасида яратилган. Шу боис, инновацион ғояларни синаш, ёшлар ўртасида технологияларга қизиқишни ошириш ва муҳандислик соҳасига йўналтириш ҳамда маҳаллий корхоналарни мудофаа саноатига жалб қилиш мақсадида “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасида мудофаа соҳасида инновацион технологиялар фестивали ўз фаолиятини бошлади.

Павильонда ташкил этилган кўргазмада давлат ва хусусий сектор вакиллари, мудофаа саноати корхоналари, илмий-тадқиқот институтлари ва муҳандислик марказлари томонидан ишлаб чиқилган инновацион лойиҳалар, янги моделдаги ҳарбий техникалар,

қурол-яроғ тизимлари, интеллектуал бошқарув механизмлари ва юқори аниқликдаги қуроллар намоиш этилади. Шунингдек, миллий мудофаа салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этаётган маҳаллийлаштирилган ишлаб чиқариш технологиялари, экспортбоп маҳсулотлар ҳам алоҳида диққат марказида бўлади.

Шунингдек, кўргазма доирасида иштирокчи компаниялар ўртасида “B2B” форматидagi бизнес учрашув ва музокаралар ўтказилиши режалаштирилган. Бу тадбирлар янги лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Фестиваль доирасида ёшлар ўртасида “Киберспорт”, “Хакерлик устаси”, “Дастурлаш”, “3D моделлаштириш технологиялари”, “Роботлар жанги”, учувчисиз учуш аппаратларини лойиҳалаштириш, “Ракетамодель”, “Дрон рейсинг” ҳамда “Келажақ транспорт технологиялари ва робототехникаси” каби йўналишларда мусобақалар ҳам қизгин руҳда кечиши кутилмоқда.

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан мазкур ҳудудда болалар учун кўргазмали намоишлар, амалий машғулотлар, кўнгилочар дастурлар ҳамда турли спорт мусобақалари бўлиб ўтади.

Фестиваль ёш авлодни илмий-техник ижодкорликка кенг жалб этиш, уларнинг салоҳиятини кўллаб-қувватлаш ва келажақ мутахассисларини тарбиялашда муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

Бобур ЭЛМУРОДОВ,
капитан

ИБРАТ

Китобсевар тадбиркор

Ёдимда, юлғунзорда мол, қўй боқиб юрардим. Қўлимда китоб. Фикру ҳаёлим асар қаҳрамонларда. Баъзан китобга асир бўлиб, мол ё қўй қаёққа кетганини билмай қолардим. Кейин... зир югуриб қидирардим. Шу алфозда юзлаб китоб ўқидим.

Бу ўқувчилик пайтимдаги гаплар. У вақтлар китоб кўп бўлганим ё ҳамма китоб ўқиримди, билмадим. Битта районда ўрта ҳисобда 20 та қолхоз, 80 та мактаб бўлса, жами 100 та кутубхона бўлган. Кейинчалик қолхозларга қўшилиб, уларнинг бой кутубхоналари ҳам йўқ бўлиб кетди. Тўғри, мактаб кутубхоналари сақлаб қолинди. Аниқроғи, уларнинг бари қайта ташкил этилгани боис, китоб фондлари ҳам анча ғариблашди.

Бу орада туманга ўнлаб ҳоким, прокурор келиб кетди. Не бир амалдорлар алмашмади. Ўзини маънавият соҳасининг пири деб эълон қилганлар бўлди. Ҳатто кутубхона учун ҳокимиятдан жой сўраб, ажратилган ер майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланганлар ҳам учради. Аммо ҳеч ким китоб

ҳақида, ҳудуддаги замонавий кутубхоналару китобхонлиқнинг бугунги аҳволи ҳақида деярли ўйлаб кўрмади. Аҳоли у ёқда турсин, ўз боласига китоб сотиб оладиганлар камёб бўлиб қолди.

Бу ҳолат халқ депутатлари Денов туман кенгаши депутати, тадбиркор Исроил Худойбердиевнинг диққатини тортиди. Тадбиркор дастлаб 18 минг китоб фондига эга “Чағониён” кутубхона марказини бунёд этди. Сўнг тумандаги 10-ихтисослаштирилган мактаб интернати ҳамда 69-, 90-мактабларнинг китоб фондиди бойитди. Ҳудуддаги 82-мактабда Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим кутубхонасини очди. Бундан ташқари, у тақдир тақозоси билан Қорақалпоғистон Республикасининг Кўнгирот туманига бориб қолди ва у ерда ҳам “Термизийлар кутубхонаси”ни ташкил этди. Куни кеча эса, у ўзи ўқиган 17-мактабда яна бир кутубхонани фойдаланувчилар ихтиёрига топширди.

– Бу тадбиркор томонидан аҳолига туҳфа қилинаётган туртинчи кутубхона, – дейди фалсафа фанлари доктори Раъно



Саломова. – Денов тадбиркорлиги ва педагогика институти кутубхонасини шакллантиришда ҳам у кишининг ҳиссаси катта. Минглаб китобларни ўз ҳисобидан харид қилиб, кутубхоналар очган одамда юксак саховат, жадид боболарга маслақдошлик ҳисси бўлиши керак.

Айтганча, бу йил 17-мактабнинг ташкил топганига юз йил тўлди. Шу муносабат билан Денов тумани ҳокими Илҳом Абборов таълим даргоҳида бўлиб, ўқувчи-ёшлар билан учрашди. Янги кутубхонани кўздан кечирди. Тадбирда Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими вакиллари, Денов тадбиркорлиги ва педагогика институти профессор-ўқитувчилари, мактаб жамоаси ва ота-оналар иштирок этди. Сўзга чиққанлар маърифатпарвар тадбиркор Исроил Худойбердиевга хайрли ташаббуси ва ҳиммати учун миннатдорлик билдиришди.

Шухрат АЗИЗОВ



“Жаҳон равшан зиёни илмдандур,
Кўнгил софи сафойи илмдандур.

Анбар ОТИН



Бошланиши 1-саҳифада.

– Болалигимни эслатдингиз... Хаёлим ўша Каттақўрғон театрининг пойдевори қурилаётган пайтларга кетди. Қумдан кичик иморатлар, уйчалар, ҳар хил шаклда бир нималар ясаб ўтирган болакайни эсимга туширдигиз. Рассомлигим ҳам, режиссёрлигим ҳам хаёлимдан кўтарилди шу дафъада... Вақт югурик, ортга қарасанг унинг бир зумда ўтиб кетганини кўрасан. Ўтган умрингни хаёлот дунёсида узоғи билан беш дақиқада яшаб ўта оласан. Шу жуда қисқа вақт оралиғида хаёлингдан кечган манзара бутун бошли ҳаётинг манзарасини чизади...

Саволингизга келсак, албатта, саҳна рассоми ишлаган асари, чизган сурати, яратган саҳна безакларининг ичида ўзи ҳам ашайди. Дедаля ўша қанотнинг қандай учиши, қаергача бориши, қайси чўққигача чиқиши мумкинлигига жавоб топганидан кейин уни чизишга жазм қилганига ишончим комил. Шу маънода, рассомнинг ҳар бир чизган суратини саҳналаштирилган асарга қиёслаш мумкин. Менинг режиссурамнинг моҳияти ҳам аслида рассомлигимга бориб тақалади.

– Сизни дастлаб рассом сифатида таниганимиз. Ёдимда бор, 1997 йилда илк альбомингизни чоп эттиргандигиз. Ундаги суратларнинг номланиши мени ҳайратга солган. Оддийгина гулдонга солинган баҳор гулларининг “Гуллаётган сув” ёки оққушнинг ерга инаётган тасвири “Эриётган тонг”, танбур чертаётган аёл суратининг “Сир созанда-си” деб номланиши асарни бутунлай жонлантириб юборган эди. Картиналарингизга таниқли шоир, дўстингиз Азиз Саид ном берганини айтган эдингиз. Айтинг-чи, рассомнинг шоир ва ёзувчилар билан ижодий ҳамкорлиги қай даражада муҳим?

– Рассом бадиий асар ўқимаса, кенг фикрлайдиган ижодкор бўлиши қийин. Шоирлар ҳам тасвирий санъат асарларини “ўқий олсалар” нодир фикрлай олувчи сўз соҳиби бўла олади. Шу боис, ўйлайманки, улар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ.

Чиндан ҳам, ўша суратларимга қадрдон акамиз, истеъдодли шоир Азиз Саид ном берган. Ўзим ҳам Азиз Саид ва раҳматли Абдували Қутбиддин шеърларини яхши кўрардим. Чизган суратларимга Азиз ака ном берар, мен у киши шунки хоҳлаптимиз, демак, асаримда ниманидир кўрди, деб қувонардим. Суратларимни “ўқий олгани” унинг ютуғи, у кишининг диққатини жалб қила олганим эса менинг муваффақиятим эди. Биргаликда кўргазмаларга қатнардик. Ҳозир рассомларнинг кўргазмаларига шоир ва ёзувчилар келиб туришибди дейишса, кўпам ишоналмайман. Лекин адабиётга, шеърятга қизиқадиган рассомларимиз кўп. Шоир ва ёзувчилар – сўз рассомлари, биз эса – шакл ва ҳолатлар шоиримиз. Улар билан дунёқарашларимиз уйғун. Рассом учун бадиий ижод намоёнадалари билан ҳамкорлик жудаям муҳим. У шеър ўқимай баркамол асар яратиши қийин.

Ўзи умуман турли соҳа ижодкорлари ўзаро ҳамсухбат бўлиб туриши керак. Ижод аҳли кўзга кўринмайдиган туйғулар олами орқали бир-бирига боғлиқ бўлади.

– Ижодкорни адабиёт шакллантиради. Сиз бирор асардан таъсирланиб саҳна тасвирини яратасизми ёки театрда қўйлиши керак бўлган асарни зарурат юзасидан ўқиб чиқиб, кейин чизасизми?

– Менимча, янги асар яратишга зарурат ижодкорнинг ботинида тугилади. Одам ўзини мажбурлаб яхши асар яратолмайди. Лекин истеъдод барибир истеъдод! Баъзилар, буюртма бўйича қилинган ижод ижод эмас,

“РАССОМ – ШАКЛ ВА ҲОЛАТ ШОИРИДИР”



дейишади. Мен бу фикрга унчалик қўшилмайман. Ҳақиқий ижодкор мана шундай ҳолатларда ҳам ўз иқтидорини юзига чиқара олади, чунки у ҳеч қачон ўз вазифасини қўл учида, ўртача савияда бажаролмайди.

Саҳна рассоми сифатида асарни ўқийсиз, маъқул келсагина унинг устида ишлайсиз. Рассом ва режиссёр ундан чиқиб кетмаган ҳолда ўз эскизи ва сценарийсини яратади. Бу, албатта, бошқача шакл – алоҳида сценарий бўлади. Бизнинг тилда бу режиссёр позицияси дейилади. Драматург айтмоқчи бўлган фикр, гоя орасидан ўзига маъқул бўлган маънони бўрттириб, саҳнада шунинг ифодасини шакллантиради. Бу шакллантиришнинг ҳам ўзига хос талаблари бор. Устозларимиздан бири драматургининг ёзган асарини асл ҳолида саҳнага олиб чиққан режиссёр шунчаки саҳналаштирувчи бўлади, деб ўргатган. Режиссёр, албатта, янгилик қилиши шарт.

– Сизни элга машхур қилган икки санъат тури бор. Бири катта концертлар учун саҳна декорациясини яратиш бўлса, иккинчиси қумда сурат чизиш...

– Авваламбор, ўзимни машхурман деб ҳисобламайман. Мен оддий рассомман, картиналар чизаман, асарлар яратаман. Қумда ижод қилиш эса – сеvimли машғулотим.

– Жадид боболаримиз сиймосини қумда чизганингизда ҳам рамзий маъно бордек?

– Мен жадид маърифатпарварларини

ич-ичимдан яхши кўраман. Улар нафақат ўз даврининг, балки барча замонларнинг илғор одамлари бўлган. Миллат бахт-саодати йўлида жонини қурбон қилган инсонлар эди улар. Жаҳидлар орзу қилган замонларда, мана, биз яшаямиз. Бизга эса улар етишмаяпти. Бу улуғ инсонларнинг сиймосини чизаётганимда шунки ҳис этдим. Бир уринишда етти жадид маърифатпарварларининг қиёфасини ҳеч қандай монтажсиз, ярим соатга қолмай чизишга муваффақ бўлдим. Биринчи уринишдаёқ тасвирга олинди. Таниқли адабиёт ва санъат намоёндалари бу асарлар ҳақида илиқ фикрлар билдиришди. Бундан бошим кўкка етди.

– Сизнинг Миллий театрдаги устaxonангизда хонашиш ижод қилишингиздан хабардоримиз. Ҳатто дам олишга ҳам вақтимни қизганиман, деганингизни эшитганман. Агар мусаввир факат ижод билан андармон бўлиб, атроф-оламдан узилиб қолса, у илҳомни, ҳайратни қаердан олади?

– Дам олишга вақтимни қизганиман, деганда нимани назарда тутганман? Аввало, бу – мен мутлақо дам олмайман, дегани эмас. Масялага қайси томондан қарашга, инсон ўзига нимани бирламчи қилиб олишга боғлиқ бу. Чет давлатларга саёхатга, тоғли масканларга бориш... Ким учундир шулар дам олиш. Мен эса ўз устахонамда янги асар яратаётганимда дам оламан. Менимча, ижодкор қанча кўп ёлғиз қолса, жамиятнинг ичига шунча чуқурроқ қиради. У кўпчиликнинг орасида ўздан узоқлашади. Ижодкорга сукунат керак. Ёлғиз қолиш – жамиятдан узоқлашиш дегани эмас. Ижодкор ўзи билан ўзи холи қолсагина, кўпроқ янгилик яратиши мумкин, мен ҳайратни табиатдан ва тасаввурларимдан оламан.

– Бахтиёр ака, сиз кўп қиррали ижодкорсиз. Театрда бир қанча асарларни саҳналаштирдигиз. Одамларда савия ҳар хил, кайфият ҳам кўп нарсани белгилайди. Режиссёр ҳам доимо олқиш эшитавермайди. Сизнинг режиссёрлик ишларингизга санъатшунослар томонидан танқидий фикрлар билдирилганими? Нима деб ўйлайсиз, танқид ижодкорни тарбиялайдими ёки синдирадими?

– Ўйлаб кўрсам, ушбу театрда рассом бўлиб ишлаётганимга ўттиз беш йил тўлган бўлса, шу вақт ичида ижодий ишларим ҳақида жиддийроқ эътирозларга дуч келмаган эканман. Бир гал раҳматли устозимиз Наби Раҳимов “Фигон” спектаклига ишланган декорация ҳақида ўз фикрини билдирган. “Эскизларинг жуда яхши, фақат шу саҳна безагида биттагина чиқиқ етишмаётганга ўхшайди”, деди у киши. Бу спектакль Нодирбабегим ҳақида эди. Шу боис мен декорацияда поэзиянинг жозибасини ифода этишга ҳаракат қилганман. Ўзим ҳам саҳнада нимадир етишмаётганини ич-ичимдан ҳис этсам-да, лекин айнан нима етишмаётганини англолмай турган эдим. Наби аканинг тавсияси билан саҳнадаги вертикал чизиқларга биргина горизонтал чизиқ қўйиш орқали декорациянинг мазмунни чуқурлашиб, гоёяси аниқ-тиниқ намоён бўлади. Наби Раҳимов мен қидираётган калитни топиб берган эди ўшанда. Санъатшунослар доимо спектаклларга ишлаган декорацияларимни ижобий баҳолашган. Режиссёрлик ишларимда ҳам шундай, ўн олтига спектакль саҳналаштирган бўлсам, ҳали бирортаям жиддий эътирозга дуч келмаганман.

Танқид ўзи нима? У ёмонлаш дегани эмас. Танқид бу – таҳлил. Мустақкам позиция билан ишлаган ижодкор ўзига ишонади. Танқидни тўғри қабул қилади, синмайди. Менимча, уни қандай қабул қилиш, аввало, ижодкорнинг руҳияти билан боғлиқ.

– “Қумда севги жилolari” деб номланган асарингиз ўзбек театрида янгилик бўлди, дейишади...

– Таниқли композитор Султонали Раҳматов мусиқаси остида қумда спектакль намоиши этганмиз. Либеретто муаллифи Лазиз Раҳматов билан биргаликда бутун сюжетни мусиқа, актёрлар ва қумдаги воқеалар тасвирига сингдирдик. Асар Миллий театримиз саҳнасида юртимизга келган хорижий меҳмонларга намоиш этилди. Бундан ташқари, ушбу театрда илк бор абсурд жанрида ҳам поляк драматурги Словомир Мрожек қаламига мансуб “Чегара устидаги уй” асари асосида шу номда спектакль саҳналаштирдим. У ҳам яхши баҳоланди. Таниқли кинорежиссёр Шўҳрат Аббосов ҳам бу асар ҳақида жуда илиқ фикрлар билдирган эди.

Мен бошқа режиссёрлар билан ҳам ҳамкорликда ишлашни яхши кўраман. Айни вақтда Жиззах вилояти театрида иқтидорли ёш режиссёр Шохрух Йўлдошев билан ижодий ҳамкорликда ишляпмиз. Очиги, Шохрух билан ижодий тандемимиз менга завқ берапти. Унинг эркин ва ўзига хос фикрлаши менга жуда ёқади.

Таъбир жоиз бўлса, саҳна рассоми режиссёрни “ёндира олиши” керак. Устозларимиз бизга шундай ўғит беришган. Режиссёр актёр учун саҳнадан позиция излайди, рассом эса шакл ахтарайди. Сценография, яъни саҳна декорацияси санъатининг ҳам бир қанча жанрлари бор. Қачонки рассом асар ва жанрни уйғунлаштиришга муваффақ бўлиб, шу орқали режиссёрнинг кўнглига чўғ ташласагина яхши спектакль юзга келади.

– Миллий театрда 1991 йилдан буён бош рассом сифатида фаолият кўрсатяпсиз. Шу йиллар ичида санъат билан боғлиқ сиз англаган ҳақиқат нима? Барча соҳаларга замонавий технологиялар шитоб билан кириб бораётган бир пайтда санъатнинг яшаб қолишига ишонасизми?

– Бу жуда долзарб мавзу. Ҳаётимиз буткул техникалашиб, компьютерлашиб кетаятган ҳозирги замонда робот-одамлар ҳам жамиятга кириб келди. Дунё ўзгариб бораётганини кўриб турибмиз. Лекин бир нарсани унутмаслик керак, ҳар қандай “ақлли” техника, сунъий интеллект ва “қудратли” роботлар ҳам инсоннинг ўзлигини белгилайдиган кечинма ва туйғуларга эга бўлолмайди. Шу маънода, ҳақиқий санъатнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Чунки ҳис-туйғулар – илоҳий неъмат. Робот ва техникаларни эса одам яратаяпти. Шунинг ўзи ҳам кўп нарсани англатади, назаримда.

Мана, муайян бир манзара тасвирини рассом узоқ вақт ва куч сарфлаб матога чизади. Фотосуратчи ўша манзарани бир лаҳзада “чик” эткизиб расмга туширади-қўяди. Лекин эътибор берган бўлсангиз, фотоаппаратда туширилган сурат ҳаракатсиз, қотиб туради. Мусаввир чизган суратдан эса ҳаёт нафаси гурираб туради, у сизга минг хил маъноларни “сўзлайди”. “Мона Лиза” картинаси айнан шунинг учун ҳам неча асрлардан буён ўз

қадри ва аҳамиятини йўқотгани йўқ.

– Бахтиёр ака, сиз кутган саволни беролмаган бўлишим мумкин. Англашмича, яна айтадиган гапларингиз бордай...

– Одатда, ўзгаларнинг савол беришини кутиб ўтирмасдан ўзимга ўзим савол бераман. Бу саволларга чизган картиналарим, спектаклларга ишлаган декорацияларим орқали жавоб беришга интиламан...

Аммо, ҳозир сизга берадиган саволим бор: нега аксарият ёзувчи ва шоирлар маданият, санъат соҳасидаги муаммолар ҳақида бонг уришади-ю, ўзлари театрга келишмайди? Биз улар ёзган асарларни ўқиймиз, хўш, нега улар бизнинг асарларимизни кўрмайдилар? Масалан, мен Алишер Навоий ҳазратларининг “Ҳайрат ул-аб-рор” асарини саҳналаштирдим. Театримиз тарихида бу асарга икки марта қўл урилган. Кейин негадир қўйилмай қолиб кетган. Хуллас, “Ҳамса”даги энг катта дoston яна саҳна юзини кўрди, лекин мен кутган адиблар, олимлар яна ўзини азиз қилди. Ҳолбуки мен уларнинг асар ҳақидаги қимматли фикрлари, жўяли танқид ва тақлифларидан умидвор эдим. Ўз даврида жадид боболаримиз ҳам аввало, театр санъатини ривожлантиришга ҳаракат қилганини биласиз. “Жаҳидлар етишмаяпти бизга, жаҳидлар” деган ажойиб шеър ёзган Иқбол Мирзо маърифатпарвар боболаримизнинг маслагига амал қилиб ҳаммадан аввал театрга келиши керак эмасми? Ижодкорларимиз маънавият ўчоғи бўлган театрларни унутиб қўйишмаяптими?

Назаримда, театрга қизиқишнинг паса-йиб кетишида ҳурматли зиёлиларимизнинг ҳам маълум даражада айби бор. Драматург асар ёзгани, режиссёр уни саҳналаштиргани билан театр санъати ривожланиб қолмайди. Зиёлилар саҳна асарларини синчковлик билан томоша қилиб, уларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида фикр билдиришса, ушбу санъатнинг даража ва савиясини кўтариш учун астойдил жон қуйдиришса, айнаи муддао бўларди.

Майли, сиз менинг саволларимга жавоб беришга уринманг. Ундан кўра, театрга келинг. Саҳналаштирилаётган спектаклларни кўринг, уларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида мушоҳада юритинг. Нуксонлари ҳақида матбуотда, интернетда ўз фикрингизни баралла айтишдан тортинманг. То мошабинлар орасида зиёли қатлами қанча кўпайса, режиссёрда ҳам масъулият ҳисси ортади, спектаклларни уларнинг даражасида саҳналаштиришга ҳаракат қилади. Ана шунда бачкана, олди-қочди “саҳна томошалари”дан халос бўламиз. Маънавий юксак спектакллар кўпаяди.

– Сиз нафақат санъатда, балки ҳаётда ҳам бахтиёр ва кўпчиликка ўрнат бўла оладиган инсонсиз. Суҳбатимиз ниҳоятсида оилангиз ва шогирдларингиз ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтсангиз.

– Шогирдларим бисёр. Уларнинг кўпчилиги аллақачон устоз мақомига етган. Ёш шогирдларим ҳам бор. Ҳаммаси ўз фарзандимдай бўлиб қолган. Ўйлайманки, уларга фақат чизишда эмас, фикрлашда ҳам устозлик қилдим.

Биласизми, устоз шогирдига ақл ўргатиши шарт эмас. Шунчаки унинг кўз ўнгига ўз ижодини давом эттириши лозим. Шогирд ана шу жараёнда кўп нарсаларни ўрганади. Устоз-шогирдлик тушунчасининг моҳияти ҳам шу аслида. Шогирд устозининг сабоқларини сўзсиз, воситасиз олиш уқувига эга бўлиши керак.

Оиламга келсак, бир қизим ва икки ўғлим бор. Учаласи ҳам санъат йўналишида фаолият олиб боради. Иккала ўғлим ҳам рассом, ўзим билан бирга ишлайди. Қизим Туркияда мусиқа йўналиши бўйича магистратура босқичини тугатди. Турмуш ўртоғим филолог. Жуда китобхон. Онам адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлаган, ҳозир тўқсон ёшда бўлса-да, ҳалғича адабиётга ихлоси бандан.

Бир сўз билан айтганда, бахтли оиламиз. Аслида бу дунёда ҳамма одамлар бахтли. Менимча, бахтни борица тушуниш, берганича қабул қилиш керак.

Муҳайё РУСТАМ қизи суҳбатлашди.



“Зукко киши оддий нарсалар ҳақида мураккаб оҳангда, рассом эса мураккаб нарсалар ҳақида оддий оҳангда “сўзлайди”.

Чарльз БУКОВСКИ

ПРЕМЬЕРА

Таниқли француз драматурги Пьер Бомарше томонидан ёзилган “Севильялик сартарош” комедияси қаҳрамони Фигаро илк бор 1775 йили саҳнада пайдо бўлганди. Шундан буён мазкур комедия жаҳоннинг турли театрлари талқинида дунёнинг етакчи саҳналарида намоиш этиб келинмоқда. Жоаккино Россинининг бетакрор мусиқаси асосида яратилган ушбу дурдон опера бош қаҳрамони Фигаро ариясида янграйдиган “Фигаро шу ерда, Фигаро у ерда” деган қанотли ибора ҳамон тилдан тилга кўчиб юрибди.



ФИГАРОНИНГ ҚАЙТИШИ

Куни кеча Ўзбекистон давлат мусиқали (оперетта) театрида “Севильялик сартарош” мусиқали спектаклининг намоиши бўлиб ўтди. Икки кўринишдан иборат мазкур спектакль истеъдодли ёш режиссёр Руслан Шерезданов томонидан маҳорат билан саҳналаштирилган. Парда очилиб, актёрлар ижроси бошланиши билан томошабин беихтиёр асарда юз бераётган воқелик ичига кириб кетади. Бунда асар яратилган давр руҳини яққол намоён қилувчи, воқеалар кечадиган жойга муносиб саҳна безагининг ҳиссаси катта. Шу ўринда постановкачи

рассом Наталья Глубокинанинг хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз. Асарни саҳналаштиришга катта ҳисса қўшган дирижёр Бобомурод Худойкулов, балетмейстер Феруза Исаева, хормейстер Яна Карабано-ва, либослар устаси Захро Қосимованинг хизматлари ҳам эътирофга лойиқ.

Режиссёр ҳар бир ролга муносиб актёр танлашга муваффақ бўлганини алоҳида қайд этиш жоиз. Ҳар бир актёр ўз образига жиддий ёндашгани туфайли томошабин саҳнада ўша давр ҳаёти ва одамларини кўргандек бўлади. Ж.Ризаев (Фигаро),

Р.Ёқубжонов (Розина), И.Алижонов (граф Альмавива), С.Норматов (доктор Бартоло), Ж.Ҳотамов (дон Базилио), О.Зверева (Берта), М.Валланский (Фиорелло), Ф.Сафаров (Офицер), А.Нурманов (Амброджио) каби театрнинг истеъдодли актёрлари ўзларига топширилган ролни маъромига етказиб ижро этишган.

Сирасини айтганда, асрлар давомида қалбпарни асир қилиб келаётган бу улмас саҳна асари оперетта театримизда қайта оҳорлангани но-зиктаб ўзбек томошабинларига муносиб тўхфа бўлди.

Гулчехра УМАРОВА



30 МАЙ – МИРТЕМИР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН



Менинг армонларимдан бири Миртемир каби улугъ шоирни кўролмай қолганимда. Домланинг вафотидан бир йил кейин, 1979 йилда Тошкентга ўқишга келганман. Доимо ич-ичимда Миртемир соғинчи бор. Шоирнинг юраги чақнаб кўриниб турган шеърларини ўз-ўзимга шивирлаб такрорлаганимда бу соғинчни янада теранроқ ҳис этаман. Мен кейинроқ устозларнинг узоқ гурунглари эшитиб, ўзбек шоири қандай бўлиши керак дейилганда, Миртемирдай бўлиши керак деган хулосага келдим. Нега? Чунки Миртемир ҳар қандай вазиятда халқидан айро тушмаган. Баъзи казо-казо совет мафкурасининг совриндорлари баланд шоҳсупаларда кекириб ўтирган пайтда у жабру ситамни ҳам, азобу ғуссани ҳам халқи билан бирга тортиди. Шу боис 1910 йилдан 1978 йилгача Ўзбекистонда кечган алғов-далғов тарих қайсидир маънода Миртемирнинг ҳам тарихи эди. У жиндакки ноилож сийлов баробарида сургуну қамокларни, ҳақорату ҳўрликларни ҳам кўрган.

Чингиз Айтматов “Биз Миртемир сиймосида ўзбек адабиётини қадрлар эдик” деганида кўп нарсани ҳисобга олган. Адаб улугъ мезонкаш ҳам эди. Тарозини тенг тортиб кўрмасдан гапирмасди.

Одатда шоирларнинг иқтидори ва маҳорати ҳақида гап кетганда уларнинг сўз бойлиги тарозига қўйилади. Халқларнинг бойлиги ҳақида гапирилганда ҳам бу халқлар тилида қанча сўз бойлиги борлиги уларнинг тафаккур даражасини белгилашда муҳим омил саналади. Миртемир шеърларида ўзбек тилининг ноёб бир луғати яшириниб ётибди. Агар ёш олимларимиздан бири Миртемир шеърларида ишлатилган сўзлар луғатини тузиб чиқса, ўзбек тили учун, ўзбек халқи учун катта бир иш қилган бўларди.

Мана бу сатрларга эътибор қилинг:

*Йул-йўлаккай беповен анғиз,
Гала-гала кезар тувалоқ,
Салт ғўнонда бораман ёлғуз.*

Шу учтагина сатрга тўртта қадимий, унутилётган сўз маҳорат билан олиб кирилган. **Анғиз** нима, **тувалоқ** нима, **салт** нимаю **ғўно** нима? Бундай сўзларни билмасдан ҳам яллачилик қилиб юрaveryш мумкин. Ўша даврда, XX асрнинг 30-йилларида қўлаб қаламкашлар янги интернационал сўзлар изидан, “социалистик сўзлар” изидан чопиб юрганда, севгилисига қараб “Сенинг сочларинг завод трубасидан

чиқаётган тутундан ҳам узун бўлиб кетди” каби тутуриқсиз “изҳорлар”ни тизаётганда, Миртемир қадимий сўзлар изидан, туркий руҳ изидан борди. Замона зайли билан эмас, замона зулми билан ўлаётган туркий сўзларни шеърятга олиб кирди.

Гап келганда мен сизга Миртемир домланинг ўғли Мирза ака билан бўлган бир гурунгни айтиб берай. Шоир “Манас”ни таржима қилаётганда битта қадимий сўзга дуч келиб қолади. Роса ҳаракат қилади, лекин шу сўзнинг асл маъносини тополмайди. Олимлардан сўрайди, шоирлардан сўрайди, натижа чикмайди. Шундан сўнг Миртемир кичик ўғли Мирза акани етаклаб йўлга чиқади, Қирғизистоннинг пойтахти Фрунзега, ҳозирги Бишкекка учиб боради. Ўз ҳисобидан, албатта. У ерда домла илмий текшириш институтларига бориб, тилшуослардан, олимлардан шу сўзнинг маъносини суриштиради. Лекин улар ҳам туркий сўзлар масаласида Миртемирдан устун бўлолмас керакки, аниқ бир жавобни айтолмайдилар. Институтлардан бир гап чиқмагач, шоир ўғли билан етаклашиб, қирғиз овулларига чиқиб кетади ва ўша овулларда юриб, кекса чоллар, кампирлардан сўраб шу сўзнинг асл маъносини топади. Энди бир тасаввур қилинг, биттагина сўзни таржима қилиш учун шунча ҳаракат, шунча меҳнат. Сўзга садоқат, адабиётга садоқат ҳақида кўп гапирамиз, лекин сўз ва адабиёт учун шундай ишламаймиз.

Шоир сўзини теран анлаган. Масалан, у “яйлов”ни “яйлоқ” деб ишлатган ва яйлоқ ёзлоқ эканини яхши билган.

*Мен ҳам кўкка кўз ташлаб,
Баралла гурунги бошлаб:
— Чақмоқинени чақ, — дейман.
— Бу олис яйлогимга,
Бу олис аймоғимга
Сел-сел бўлиб оқ дейман.*

Миртемир шеърларидаги руҳ бутунлай ўзбекона. Сатр қўрилишидан тортиб оҳангларгача, ифодаю хулосагача, рамзларгача, хуллас, ҳаммаси ўзбекона.

*— Янажон, — дедим,
— Қайнимов, — деди.
— Берроқ кел, — дедим,
— Айнимо! — деди.*

Миртемирнинг шахс сифатидаги тимсолида ҳақиқий дўнг ўзбек мисоли кўринади. “Дўнг ўзбек” деган ибора бор. Бу баланд ўзбек дегани. Дўнг сўзида мардлик, тантлики, ҳалоппик, улугълик хислатлари жам бўлган. Шу ўринда биргина мисол. Миртемир домланинг Ишчилар шахарчасидаги уйига Ойбекнинг хонадонни жойлаш-

ган кўчадан ўтиб борилади. Миртемир ишга бориб келишда ҳар куни шу кўчадан ўтган. Ойбек вафот этгандан кейин ҳар гал Ойбекнинг уйи ёнидан ўтаётганда Миртемир машинани тўхта-тиб, пастга тушиб, қўлини кўксига қўйиб, “Ассалому алайкум!” деб Ойбекнинг уйига салом бериб ўтар экан. Бир гал Қозоғистондан келган меҳмонлар билан уйига қайтаётган Миртемир гуруннга берилиб кетиб, Ойбекнинг уйи ёнидан саломсиз ўтиб кетади. Уйига бориб, хатосини билиб қолади ва айб иш қилиб қўйгандай қаттиқ ўкинади. Бундай меҳр ва оқибат яна қайда бор? Афсуски, бугунги кунда устозининг уйига тош отиб қочиб кетадиган шогирдлар ҳам йўқ эмас.

Миртемирнинг соддалигида буюклик бўлган. Дўрмонда Абдулла Орипов билан гурунглашиб ўтирганимизда, гап устозлар ҳақида кетиб, Миртемир домлага тақалганда Абдулла ака “Миртемир ака масаласида ўзимни кечиролмайдиган пайтларим бўлган”, деб қолди. Мен “Абдулла ака, сизда бундай бўлганга бўлса керак. Ё бирон жойда домлани хафа қилган-мидингиз?” деб сўрадим. “Йўқ, — деди Абдулла ака. — Мен Миртемир акани ҳаммаша яхши кўрганман. Ойбек, Шайхзода, Миртемир... Булар пуфлаб шиширилган, қўлда ясалган шоирлар эмас эди. Пуфлаб шиширилган шоирлар кўп эди, бировга сўз беришмасди, Тошкентдан Москвагача минбарлар уларники, ҳайбатларнинг эгалари улар эди. Бу калондимоғлар Шайхзода, Миртемир каби шоирларни учинчи ё тўртинчи даражали қаламкашлар санаб оёқ учиди кўрсатардилар, ўзларича даҳо эдилар. Шунинг учун Миртемир акалар нафаси ичида, дарди ичида, алам ва армон билан бу дунёдан ўтиб кетишди. Лекин гап бошқа ёқда. Ўша замонларда нозу неъматларга тўлиқ катта-катта давралар бўларди. Давраларнинг тўрида коммунистик партияни шарафлаб, совет отини чоптириб, байроқ кўтариб юрган ёзувчи-шоирлар ўтирарди. Улар Миртемир домланинг устидан қулиб, маззах қилиб, обқочишиб, гўмбурлаб қаҳ-қаҳ отганларини кўрганман. Менга алам қиладигани ўша пайтларда шартта ўрнимдан туриб, “Эй муттаҳамлар, сизлар ўзи Миртемир аканинг олдида кимсизлар, унинг тирноғига ҳам арзимайсизлар-ку, унинг устидан қулишга нима ҳаққингиз бор?” деб исён кўтаролмаганман. Шунга ўзимни кечиролмайман” деган эди. Ҳа, Абдулла аканинг алами ўшанда ичида қолган. Кейин улар “Шу гапларимни айтсам бўлмасми-ди сиз тирик чоғда” каби Миртемир ҳақидаги гўзал шеърларга айланган. Ёки Абдулла аканинг кейинги йилларда ёзган бир шеъри ҳозир мен айтаётган гапларнинг давоми. Бу шеърда шоиримиз кўпчиган давраларда сохта шоирлар бир-бирларини сен Пушкинсан, бу эса Навоий, бу эса Ҳафиз, бу эса буюк деб бир-бирларини пуфакдай шишириб мактаб ётишганини ва ҳақиқий шоирларни йўқотиш пайида бўлганларини тасвирлайди ва шеърни шундай яқунлайди:

*Уч-тўрт шоир тўпланиб олиб,
Бир-бирларин макташар байрон:
— Мен Пушкинман, сен — Мирзо Ғолиб,
У — Навоий, бу эса — Байрон.
Ахлашлар битта ниятда:
Унисин от, бунисин емир.
То тонгача адабиётда
Тер тўқиди ёлғуз Миртемир.*

Баъзида ўйлаб қоламан: Миртемирнинг устидан қулган ўша одамлардан нима қолди? Баъзиларидан битта сатр ҳам қолмади. Бир

қоп хашак ҳам йўқ. Тарих шамоли кўпларини супуриндидай супуриб ташлади.

Миртемирнинг шундай сатрлари бор:
*Дарё эдим, замонларнинг зайли билан
сой бўлганман,
Расо эдим, нодонларнинг майли билан
ёй бўлганман.*

Шу икки сатр ҳам Миртемир қайғусини намоён қилади. Замон шундай замон эдики, у айқириб оққан дарёни сойга, истаса қўлмакка айлантиришга, ҳатто катта денгизни ҳам қури-тиб Саҳроий тузга айлантиришга қодир эди. Бундай замоннинг шотирлиги — миллат хоинлари ўзларининг қўғирчоқбоз хўжалари билан биргалашиб ҳар қандай расони ёй, ҳар қандай тоғни тупроқ қила оларди.

*Мажнунтол тасега ўтқазини мени,
Мен учун йилгасин, мен йиллаб бўлдим.*

Миртемир домла умрининг сўнгги йилларида ёзган шу шеърда жуда кўп нарсани англасак бўлади. Шу икки сатрда бутун бир ўзбек халқининг 70 йиллик дардини кўриш мумкин. Ўрни, мустабид тузум даврида ўзбек халқи бошидан кечирган таҳлика ва талотумларни Миртемир ҳам бошидан кечирди. Наим Каримов “Миртемир ака кексайиб, умри охишлаб қолган чоғларда ҳам “Булар (КГБ назарда тутиляпти) мени бир куни олиб кетиб қолишади” деб хавотирда яшарди”, деганиди.

У таржима соҳасида ҳам жуда маҳоратли эди. Ҳар қандай бошқа тил шоирини ўзбек тилида қулиятиб юборарди. Абдулла Орипов Миртемирнинг нафақат шеърларини, таржималарини ҳам жуда яхши кўрарди. Абдулла ака Пётр Ершовнинг “Букри тойчоқ” достонини Миртемир таржимасида ёддан айтганини кўрганман.

Бир куни машҳур шарқшунос Шоислом Шомухаммедов билан Миртемир домла ҳақида гаплашиб қолдим. Шоислом ака Умар Хайём рубоийларини таржима қилганда дастлаб Ғафур Ғуломга кўрсатган экан. Устоз Ғафур Ғулом таржималарни маъқуллаган. “Кейин дўстларимдан бири Миртемир акага ҳам бир кўрсатиб олинг деб маслаҳат берди, — деб эслаганиди Шоислом ака ўшанда, — наширётга, Миртемир аканинг олдида бордим ва Хайёмдан қилган таржималаримни кўриб беришларини сўрадим. Миртемир ака дарров уйига телефон қилди ва келинкойимизга кечкурун меҳмон боришини, тайёргарлик қилиб қўйишни тайинлади. Сўнг кечроқ ошдан чиқиб, Миртемир аканинг уйига йўл олди. Устоз йўлда “Шоислом, энди Хайёмни шунчаки кўриб бўлмайди, хайёмона кўриш керак” деб дўконга кириб коньяк олиб чиқди. Ошдан сўнг таржималарни бирга кўра бошладик. Мен шунда Миртемирнинг сўз билан ишлашига қойил қолганман. Ҳар бир сўз, ҳар бир сатр устида эринмай заргардай ишларди. Мен мукамал деб ўйлаган кўлаб сатрларни чизиб, бутунлай ўзгартириб ташлаган”.

Миртемир ҳақида “шеърнинг танти деҳқони” деган ибора топиб айтилган. Ҳар бир шеърда Миртемир аканинг манглай терини, юрак қўрини, дардини сўзга бўлади. Асл деҳқон ҳам шундай-да. Миртемирнинг қизи Юлдуз Мансурова одатининг қўли билан ҳавога шеърлар ёзганини айтиб берганда шоирнинг фақат шеър билан ашаганини ҳис қилдим ва Шавкат Раҳмоннинг ўлим тўшагида ётганда “Шеърни ҳавога ҳам, деворларга ҳам ёзса бўлар экан” деган гапи эсимга тушди.

“Кўрмаганинг кўргани курсин” деганлари-

дай, шухрат тамасидаги баъзи шоирлар тўртта шеърни ёзиб, кейин у халқидан эмас, гўё халқи ундан қарздордай қибрга берилиб, тўйган хўроздай қичқириб юрадилар. Шундай пайтларда бундай олғирларга ҳокисор-дондор Миртемир дарс бериб қўяди: “Бошимга синовли кунлар ҳам тушди. Лекин ёзишдан, таржимадан ҳеч тинмаганман. Уринаман, изланаман, ўрганаман. Ҳали мен ёзув столига астойдил ўтирганим йўқ, ҳали халқимга айтишим керак бўлган гапни айтганим йўқ. Мендан нон ва тузини аямасан, ҳам шараф бағишлаган халқимдан ҳали мен кўп қарздорман”.

“Она тилим”, “Бетоблигимда”, “Саратонда соябонинг бўлайин”, “Битта ўзим биламан” каби ўлмас шеърларни, ўзбек шеърятига катта воқеа бўлган “Сурат”дай муштор достонни ёзиб-яратиб қўйган шоир тагин кун келиб, “Баъзан кўзларимда томчи-томчи ёш, Хануз шеър ёзишни билмайман” деса... У Худонинг қандай бандаси эдики, ҳорғин руҳида шундай улугълик ва шундай ҳокисорлиқни бирлаштирилса...

Кўпчилик Миртемирнинг отини атаганда “домла” сўзини қўшиб айтади. Бу бежиз эмас. Чунки Миртемир чин маънодаги миллат муаллимларидан бири эди.

Мен Миртемир домлани кўролмаганман. Уч-рашмаганман. Лекин менга шундай тўлопадики, у киши билан кўп учрашгандай, кўп кўришгандайман. Ҳар бир шеърдан Миртемир домла бизга қараб тургандай тўлоаверади.

Бугунги ёш ижодкорлар Миртемирни ўқишадими? Бу савол ҳам мени қийнайди. Негалигини айтиб ўтирмай. Буни ёшларнинг ўзи билади. Фақат уларга Миртемирнинг бир шеърини келтириб ўтай. Бу шеър уларга бағишланган, яъни ўзбек шеърятига кириб келаётган ҳар бир янги авлод вакилларига аталган. Таъбир жоиз бўлса, бу шеърни ўзбекнинг янги авлодига Миртемир домланинг васияти деган бўлардим.

КИПРИКЛАРИМ (Ёш қаламкашларга атаганим)

Киприкларим қўнғирмикин ё қора?

Киприкларим юзтамикин ёки минг?

Киприкларим мунча азиз ва сара,

Кўзгинамнинг киприкларим...

Қуюнларда қолаганимда,

чангга ўралганимда,

Оҳангарон тўзонидан жанжи қоралганимда,

Ёки яхши тимсол излаб,

чанедай таралганимда,

Ёки бир шеър армониди юз бир

кўралганимда,

Ўзбекистон тонгларини бедор кутган

кўзларим,

Тенгсиз тонглар фалсафасин ташна

ютган кўзларим.

Кўзларимга чегарада шай аскардай

қўриқчи,

Кўзларимга олис Бобур ғуссасиди ўйриқчи,

Эй азиз киприкларим.

Сергакликда тирикларнинг сиз-ку

энг тириклари,

Кипригимдай азизларим,

нечоғлиқ ҳам суюксиз.

Армонимдай буюксиз...

Эшқобил ШУКУР

ЯНГИ НАШРЛАР

Тилдошу дилдош қардошимиз

Таниқли кримтатар журналисти, Кримдаги “Ненкажан” журнали бош муҳаррири Зера Бекированинг кримтатар тилида “Акмасжид” номли китоби чоп этилди. XX асрнинг 20–30-йилларида собик Иттифоқ бўйлаб жуда кенг қўламли илмий-адабий фаолият билан машғул бўлган кримтатар зиёлиси Бекир Чўбанзода (1893–1937) ҳаёти ва ижодининг бир қирраси Ўзбекистон билан ҳам боғлиқ. Муаллиф ўз китобида олим, шоир, жамоат арбоби Бекир Чўбанзонанинг Озарбайжон, Туркия, Можаристон, Қрим ҳамда Ўзбекистонга тааллуқли жиҳатларини махсус суҳбатлар асосида батафсил ёритди.

Бекир Чўбанзонанинг бир қатор мақолалари ўз вақтида “Аланга” журнали, “Қизил Ўзбекистон” газетасида босилган эди. 1926 йили Бокуда ўтказилган Туркиёт қурултойи ташкилотчиларидан бири бўлган Бекир Чўбанзода, айна анжуман кунларида Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллик юбилейини ўтказиш ҳайъати аъзоси сифатида иш бошида турган. У “Навоий тили” номли махсус мақола ҳам ёзади. Ўша анжуман кунлари босилган Алишер Навоийнинг “Вақфия” асарига ҳамда Хусайн Бойқаронинг “Девон”ига махсус сўзбоши битида. Бекир Чўбанзода ўз вақтида Фаро-

на шахрида ташкил қилинган Педагогика институтида 1930–1935 йиллари (ҳозирги Фаргона давлат университети) “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедрасининг мудири бўлиб ишлаган эди.

1926 йили Бокудаги Туркиёт қурултойига Ўзбекистондан Элбек, Исмоил Садрий, Ашуралли Зоҳирӣ, Раҳим Иномов, Шокиржон Раҳимӣ, Назир Тўрақулов вакил бўлиб боради. Аламли жиҳати шундаки, айна анжуманда катнашган барча зиёлилар қатагон бухронига дуч келади, қатл қилинади. Бекир Чўбанзода манглайига ҳам шу битик муҳри босилган эди.

“Бекир Чўбанзода изларидан” китоби муаллифи олим фаолиятининг турли жиҳатларини ўрганиш жараёнида кримтатар, озарбайжон, можар тадқиқотчи-зиёлилари қаторида ўзбек адабиётшунослари билан ҳам суҳбатлашади. Китобда берилган янги маълумотлар маърифатпарвар қардошимиз адабий-илмий қиёфасини теранроқ тасаввур қилишга ёрдам беради. Яна бир қўшимча шуки, “Ўзбек адабиёти тарихи” китоби муаллифи адабиётшунос олим Воҳид Абдуллаев ўзининг “Чўбанзода менинг ҳам устозим” мақоласида 30-йиллари Самарқанд университетида Бекир Чўбанзодадан бир неча марта маърузалар эшитганини



Зера БЕКИРОВА

ҳам ёдга олганидан хабарим бор. Кириш сўзида муаллиф ёзган китоби хусусида “Бу иш мен учун ҳам бурч, ҳам шараф ҳамда буюқдан буюк масъулиятдир”, деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, “Бекир Чўбанзода изларидан” китобида ўзбек жадид адибларига оид саҳифалар ҳам бор. Жадидлик ҳаракатини халқаро микёсда атрофлича тадқиқ этишда, табиийки, Зера Бекирова ёзган китоб ҳам ўз қийматига эга. Муаллиф ўзбек тилини жуда яхши билади. Назаримда мазкур китобнинг ўзбекча нусхаси ҳозирланиб, мутахассислар ва шу соҳага қизиқувчи ўқувчиларга тақдим этилса, фойдали бўлар эди.

Баҳодир КАРИМ,
филология фанлари доктори,
профессор

Адабиёт – бу халқнинг хотираси, қалби ва руҳиятининг энг теран акси. Пайдо бўлган чинакам асарлар эса вақт синовиغا бардош бериб, авлодлар онгига ёсоладиган бадий ҳодисалардир. Истеъдодли ижодкор Обид Қўлдошнинг яқинда китобхонлар ҳукмига ҳавола этилган “Унутилган ашула”си ана

шундай китоблардан биридир. Мазкур тўпламдаги ҳикоялар бугунги ўзбек насрида ўзига хос бадий ифода воситалари, теран маънавий-фалсафий мушоҳадалари ва ички руҳий изтироблари билан алоҳида ўрин эгаллайди.

“Унутилган ашула”

“Унутилган ашула” — бу оддий ҳикоялар тўплами эмас. Бу — жамият хотираси, миллий онг ва инсон қалбидаги абадий курашлар тасвирланган руҳий манзара. Китоб саҳифаларида берилган ҳар бир ҳикоя ўқувчини хайратга солади, уйга толдиради. Ҳар бир воқеалик — асл моҳият билан ўралган, ҳар бир сатр — чуқур маънони ўзида мужассам этган. Муаллифнинг фалсафий муроҳазалари, ички изтироблари, инсониятга, замонга, қадриятга берган баҳолари китобхонни теран фикрга чорлайди.

Китобда келтирилган ҳикоялар ўқувчи онгига беҳиётёр “кўрмасликка олаётган ҳақиқатларимиз”ни кўрсатади. Муаллиф ҳар бир ҳикоя орқали ҳаётдаги оддий, бироқ чуқур ижтимоий ва руҳий маънога эга воқеаликларни очиб беради. У воқеани айтмайди — ҳис эттиради. Айнан мана шу ҳис — “Уну-

тилган ашула”ни унутилмас асарга айлантиради. Обид Қўлдошнинг бу ҳикояларини биттада англаб олиш учун фалсафий дунёқараш керак деб ўйладим. Чунки ўқиш ва ўқиш бир хил нарса эмас, бир-бирида кўзларинг ўқиса, бирида онгинг, қалбинг ва бутун вужудинг ўқийди. “Унутилган ашула” китоби эса ҳам ўқишга, ҳам ўқишга илҳомлантиради-ган асар. Унда теран фикрлар, бадий ифодалар ва ўзгача моҳият бор. Асарда тасвирланган ҳикоялар фақатгина бир шахснинг тақдири, бир оиланинг фожиаси ёки бир манзаранинг ҳолати эмас. Бу — бутун жамиятнинг руҳий ҳолати, ахлоқий қиёфаси, тарихий хотираси ва унутган ҳақиқатларига чизилган бадий портретдир. Ҳар бир ҳикояда берилган тафсилотлар замирида китобхон ўзини, атрофдагиларни, ўз жамиятини кўради. Муаллиф



қаҳрамонлари шунчаки воқеаларнинг қатнашчиси эмас, балки ички изтироблар, зиддиятлар, қарор ва танловлар билан юзма-юз келган инсон сифатида ёритилган.

Ҳар бир ҳикоя, ҳар бир адабий-фалсафий уйлар китобнинг умумий руҳини, муаллифнинг ижодкор сифатидаги қарашларини, ҳаётга, халқ руҳиятига ва миллий қадриятларга бўлган муносабатини аниқ ифодалайди.

Бу асар — ижодкорлик масъулияти, миллий хотира, бадий фикр ва фалсафий муроҳазаларнинг мукамал уйғунлигидир. Чунки бу “ашула” — биз унутган, аммо қалбимиз тубида хануз жаранглаб турган ҳаёт таронасидир.

Фарангиз АБДУЕВА,
ЎЗЖОКУ талабаси



Бошланиши 1-саҳифада.

Мен жўрабошига қарадим, у савол бериши керак бўлган дўстимизга қараб маъноли томоқ қирди. Ниҳоят савол сўралди:

– Домла, араб тилини яхши биларкан-сиз, араблар пиёлани нима дейди?

Устознинг қошлари чимирилди, аммо сир бой бермай, пиёла, чойнак, ликопча, лаган, тоғора, қозон, чўмич, қошиқ ва бошқа шу кабиларни араблар бир неча лаҳжаларда нима дейишларини, меҳмондорчилик, дастурхонга таом тортиш удумларини батафсил сўзлагач, савол берган кишига қараб:

– Биродар, сизга шу маълумотлар керакми ўзи? – дедилар ранжиб.

Алихонтўра тирик хазина эди. Бир неча тилларни мукамал биларди у зот. Афсуски, биз у кишидан кўп нарсаларни сўрамадик. Мана энди афсусдамиз, аммо фойдаси йўқ...

Китоблардан бирида ўқиганман: “Сухбати ошиқ сени ошиқ қилур, сухбати фосиқ сени фосиқ қилур”.

Хўп, дейман ўзимга ўзим, Алихонтўрадек улуг аллома билан замондош бўлибмиз, бир муддат бирга яшабмиз, тенгма-тенг нафас олибмиз, бир дастурхонда таомланибмиз, аммо у кишининг уммон янглиғ илмидан баҳраманд бўлмабмиз-да! Эҳтимол, истиҳола қилгандирмиз, салобатлари босгандир?

Шундоқ деб ўзимизни овутмоқчи бўламиз, лекин илмий, зехний, маънавий кемтик жойларимизни тўлдирिशга қодир бошқа алломалар ҳам бор эди-ку? Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфдан сўрадикми? Алибек Рустамий, Ғайбулла ас-Салом, Эркин Воҳидов, Нажмиддин Комиллов, Ботирхон Валихўжаев каби устозлардан-чи? Бугунги ёшлар Қори Ниёзий, Ҳабиб Абдуллаев, Иззат Султон, Абдуқодир Ҳайитметов, Суйима Ғаниева, Ҳўлат Ҳабибуллаев каби салмоқли олимларимизни нечоғли билишадими?

Неъматилла Иброҳимов устоз Эркин Воҳидовни шундай хотирлайди: “Эркин ака ҳар йили Озарбайжон ва Туркияда ўтказиладиган фузулийхонлик тадбирларида қатнашиб турарди. Истанбулда ўтказилган ана шундай йиғинларнинг бирида эронлик, озарбайжонлик ва туркияликлар Фузулийни ўзлариники, деб бир-бирлари билан баҳслашиб турганларидан Эркин ака бу улуг қалам соҳибининг “Лайли ва Мажнун”ини ёддан ўқиб берганлар. Ҳайъат аъзолари бир овоздан: “Бўлди, бўлди, Фузулий сизларники экан”, деб ғолибликни



ўзбек шоирига топширишган. Яна бир гап. Ўзбрайдаги боғимизда ҳам тез-тез ғазалхонлик кечалари бўлиб турарди. Айниқса, Саудия Арабистонида истиқомат қилувчи ватандошларимиз Сафохон тўра, Аъзамхон қори ака, Мелибой ака, Мўминжон ака ва бошқалар келишганида биз уларни боғимизга тақлиф қилар эдик. Бу мажлисларда Эркин ака, Шамсуддин Бобохонов, Абдулазиз Мансур, муфтий Усмонхон Алимов, марғилонлик Осимхон ака, таниқли санъаткорлар иштирок этишарди. Шундай кечаларнинг бирида Фузулий ва Навоий ғазалларининг таҳлилига бағишланган баҳс қизиб кетиб, тонг ёриша бошлаганини сезмай қолибмиз. Бу дилбар сухбат тасвирга олинмаганидан Шайх Абдулазиз Мансур, муфтий Усмонхон ака, ҳаммамиз анчагача афсусланиб юрдик... Қиёматли акам Эркин Воҳидов билан ўтган даврларим, сермазмиун сухбатларимиз ҳаётимнинг энг тотли, қиёсиз лаҳзалари эди”.

Қизик одатимиз бор-да: олдимизда ким турганига унча эътибор бермаймиз, шовуллаб оқаётган дарёни сезмаймиз, шоҳлар йиллар давомида жон ва қон билан тўплаган хазина янглиғ маънавий бойликнинг олдида бепарво ўтиб кетамиз. Ушбу сатрлар қоғозга тушаётганида интернет-да ғаройиб хабар тарқалди. Франциялик фермер Мишель Юнон ўз ер участкасидан 4 миллиард долларлик олтин топиб олган. Фермер хазина топилган жойдан ҳар куни бир эмас, бир неча марта ўтган, аммо шунча бойлик ерда ётгани хаёлига ҳам келмаган. Чингиз Айтматовнинг “Жамила”

қиссаси ҳам француз тилида эълон қилинган машҳур бўлди.

Эътиборсизлик ёмон иллат. У боис инсоният кўп ҳолларда фермер Мишель топган хазинадан ҳам кўп бойликдан жудо бўлади. Бунинг сабаби – кўпчилигимиз бағрикенг эмасмиз, хатоларни мардона тан олмаймиз, узр сўрамаймиз, қалб кўзимиз очилмаган. Менинг фикрим тўғри, бошқаларники нотўғри деган ўй вужудимизни эгаллаб олган.

Неча асрларки, улуг мутафаккир, ғазал мулкчининг султони Алишер Навоий бобомизнинг инсониятни эзгулик, одабийлик, меҳр-оқибатга даъват этувчи асарлари севиб ўқилади. Навоийшунос олимлар бу буюк хазинани тадқиқ этар эканлар, уни ўқиб англаймизки, адолат, ҳақиқат, имон, эътиқод, эзгулик каби фазилатларсиз етук инсонни, комил жамиятни, халқпарвар давлатни тасаввур қилиш қийин. Ҳар қандай адолатсизлик, ҳақсизлик жамият ривожига, тинч-тотув ҳаётга, ахил-иноқлик йўлига тўсиқ бўлади, адолат чироғи ёниб, чор-атрофга шуъла таратиб турмаган жойда улғайиш бўлмайди, эл-улуснинг пешонаси оқармайди.

Навоий бобо умрини шу буюк ҳақиқатга бағишлади. Буни ҳеч ким инкор этмайди, аммо, бошқа даврларни кўя турайлик, Навоий яшаган даврнинг ўзи бу мўътабар зотни тушундими, қалбига, орзу-ниятларига қулоқ тутдимми? Йўқ, тутмади. Тутганида эди, “Ҳазойин ул-Моний” асари деб очасидан бундай оҳ-нолани сатрлар жой олмаган бўларди: “Олдимга онча душворликлар юзланди ва теграмда онча саъб гирифторликлар айланди ва бошимга сипеҳр онча бало тошларини отди ва ишқ сипоҳининг лагабқуби (телки, зарбалари) заиф пайкарим била сўнгаларимни онча оёқ остида ушотдиким, не ўзимдан хабарим, не ўзлугим била ўзимдин асар қолди”.

Ён дафтаримда “Агар инсон бир-бирини тушунганида эди, бу дунёда яшаш янада завқли, мароқли бўларди”, деган ёзув бор. Ўзимга келган фикрми ё бирор китобда ўқиганманми – аниқ айта олмайман. Аммо инсон тушуниш мумкин бўлган оддий нарсаларни нега тушунмайди, қўриб-билиб турса ҳам, ўзини кўрмагандай, билмаган-

дай тутати, ҳис этган нарсаларини эътироф этишга журъати етмайди, аксинча, бошқаларнинг ютуғини кўриб, фитна, ҳасад, иғво йўлига ўтади, нега шундай қилади, деган саволлар қийнайди. Балхга борса, Маҳмудхон дорга осишини билса ҳам, йўлидан қайтмаган Бобораҳим Машраб қачон тушунилган? Ибн Синони тушуниш осон бўлганми? Бобур Мирзони-чи? Насимийни-чи?

Дорга осылган яна бир аллома Мансур Халлож эди. Уни ҳам тушунмадилар, уни биринчилардан бўлиб франциялик олим Луи Массиньон тушунди. У шайх Фаридуддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” китобини ўқигач, бутун умрини Халложни ўрганиш, тушунишга бағишлади. Япониялик олим Эйжи Мано ўзини бобуршуносликда топди. Америкалик олим Юрий Бреген ўттиз йилдан ортиқ вақт сарфлаб, Мунис ва Оғаҳий қаламига мансуб “Фирдавс ул-иқбол” асарининг танқидий матнини тайёрлади. “Бу аллома фалон миллатники, фалон юртва тегшли”, деган гап чиқмади.

Ўйлаб қоласан. Инсонни тушуниш, Румий ҳазратлари айтганидек, бу дунёни ўзаро баҳам қўриб яшаш, наҳотки англаш иложсиз сир, тугун бўлса?

Навоий ҳазратларига қайтамыз. Бу улуг зот “Муҳокамат ул-луғатайн”да роҳату заҳмат билан қоришиб кетган умр йўллари ҳақида ёзар экан, бу йўл бир текис кечмагани, ҳақорат ва машаққат вайроналарида дод солиб йиғлагани, яраштириш ниятида ўртага тушиб, тўхматига қолгани, илм мадрасаларида ковуш қаторида ер тутгани, уламо мажлисларида илм нуридан кўнглини ёритгани, тақводорлар мажлисларида улар қадами етган ерга юз қўягани, саждадан пешона териси шилингани, пасткашлар, нокаслар олдида хорлик ва безътиборлик кўргани ҳақида ёзади. “Лисон ут-тайр”да бу саволга жавоб топгандай бўламыз: “Ун саккиз минг оламини яратган Худо “Тонгни оппоқ ранг билан ёритди, шомни мушқин қора либосга ўради. Куёшни кундузи порлатиб, Ойни кечанинг шамига айлантирди... Сувни оловга душман қилди, шамолни тупроққа зид қилди. Яратувчининг қудрати билан айни шу бир-бирига зид тўрт нарсасини вужудда бир бутун ҳолда бирлашди...”

Тушунилмаган фақат Навоий эмас, Машраб ё Бобур Мирзо эмас. Халқимизнинг ҳар бир бўғин алломалари, олимлар, иждоқор зиёлилари орасида тушунилганлардан кўра тушунилмаганлар кўп. Рауф Парфи “Шеър – кундузи кўрилган туш”, деб ёзди. Ҳалима Худойбердиева “Ватан байроғи иморатлар пештоқидан аввал миллат қайғусидаги ҳар юракда ҳилпираб турсин”, деди. Шавкат Раҳмон туркий дунё бирлигини орзулаб яшади. Биз уларни энди-энди тушунмоқдамиз. Донишманд Ошо “Эшитмоқ ва тингламоқ Худо қасри сари йўлдир”, дейди.

1990 йилнинг май ойи. Собиқ тузум парчалана бошлаган кезлар. Унинг ўша пайтдаги раҳбари исёнкор Болтиқбўйи давлатларида бориб, иттифоқ таркибидан чиқиш ҳаракатларини тўхтатмоқчи бўлди. Рига қўчаларида намойишчилар билан учрашди. Йўл чеккасида йиғлаб турган болага кўзи тушиб, унинг олдида келди ва “Бола-кай, қани менга айт-чи, нега йиғлаясан, сенга нима керак?” деб сўради. Бола: “Менга озодлик керак!” деди. Шу оддий жавоб Собик иттифоқ таназзулини тезлаштириб юборди, десак хато бўлмайди.

Театр ва кино сахнасида бемисл муваффақиятларга эришган Римма Аҳмедова ҳаётининг сўнгги кунларида бошига не душворликларни солган кишиларга нисбатан: “Мен уларнинг ҳаммасини кечирганман, кўнглимда кек қолмаган... Улар учун ҳам ибодат қилайлик, кўнглини тозалайлик”, дегани ёдга тушади. Кўнглини тозалаш нима? Унинг қирлиниб кетмаслиги учун ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатли бўлиш. Бу оддий фазилат кечадан бугунга, бугундан эртага қолмаслиги зарур.

Ҳаёт қархи айлинишда давом этар экан, яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат, адолат ва зулм ҳаммиша ёнма-ён юради. Инсон буларнинг бирини англагани сари, англамаган ҳақиқатлар очилишига ишончи ортади. Шу ишонч уни юксак маънавий чўққиларга кўтарди.

Дарове, Неъматулла ака ҳақида ёзмоқчи эдим. Холислик хомасини қўлда маҳкам тутиб, албатта, ёзаман.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Бошланиши 1-саҳифада.

1911 йилда уларнинг сони 57 процентга кўпайди”. Бу дегани – ушбу ҳудудларда ўн олти йилда мактаб ва мадрасалар сони деярли олти мингга етган. Агарда ҳар бир мактаб ва мадрасада ўртача 100 нафар (мадрасаларда тўрт-беш баробар кўпроқ аслида) бола таълим олди, деб тақрибан ҳисоблаганимизда ҳам олти юз минг нафар бола савод чиқаргани маълум бўлади. Шу ўринда қадимдан “илм ва ҳидоят маркази” деб тан олинган Бухорода қанча мактаб ва мадраса бўлгани ва уларда неча минг нафар ёшлар сабоқ олганлигини ўзингиз тасаввур қилаверинг.

Ёки советлар яна бир маълумотномада расман қайд қилганларига ишонсак, 1917 йилги инқилоб арафасида ўлкада тўрт мингга эски мактаб фаолият юритган ва уларда эллик мингдан ошдиқ бола таҳсил олган. Булар расман аниқланган мактаблар. Бунга чекка ҳудудларда илмли кишилар ўз уйларида кўни-қўшнилари билан болалари саводини чиқаришгани, шу жараён қизларга ҳам таълим қилинганлиги қўшиб қўямиз. Негаки, совет билимдонлари “октябрь инқилобига қадар Туркистонда хотин-қизларнинг атиги 0.4 фоизи саводли эди” деган бўлмағур иддаони ҳам узоқ йиллар тарғибот байроғи қилиб келишган.

Хива хонлиги Чор ҳукумати томонидан босиб олинган даврда ҳудудда олти юз минг киши яшаган. Хонлиқдаги аҳоли яшаш манзиллари маъмурий жиҳатдан “мачит (масжид) қавми” кўринишида юритилган. Аҳолидан солиқ ундирилиши бўйича сакланиб қолган ҳисоботларда хонлиқда мингдан ортиқ мачит қавми бўлганлигини кўрамыз. Биргина Хивада 220 масжид бўлган. Шаҳар ва қалъалардаги йирик мадрасаларнинг ҳар бирида ўртача юз нафар топиблар сабоқ олган бўлса, масжидлар қошидаги “эски мактаблар”нинг ҳар бирида 15–20 нафар бола савод чиқарган. Бухоро, Самарқанд ва Шарқ шаҳарларидаги машҳур мадрасаларда таҳсил олаётган ёшлар ҳам талайгина эди. Бундан ташқари, энг чекка кишлоқлардаги масжидлар қошида ўғил болалар қаторида қизлар ўқийдиган, савод чиқарадиган мактаблар ҳам мавжуд бўлган. (Юрт тарихидан яхши хабардор Абдулла Қодирий “Меҳробдан чаён” романида кичик бир даҳадаги масжид имоми оила-си мисолида буни яққол кўрсатиб берган).

Шу рақамларнинг ўзиёқ чекка Хива хонлигида маориф тизими манзарасини, яъни болаларга сабоқ беришнинг ўз даври учун нисбатан анча юқори бўлганлигини кўрсатади.



Чор босқини боис қанчалаб масжидлар вайрон бўлгани ҳолатида эл-улус таълимни бирор он унутмагани, имкон топди дегунча фарзандларини мактаб ва мадрасаларга ўқишга юборганини юқоридаги “57 фоизлик ўсиш” яққол кўрсатиб турибди.

Шу ўринда мадрасаларда топибларга ислом таълимоти, Қурони Карим, ҳадислардан ташқари ҳандаса, жуғрофия, тарих ва бошқа дунёвий фанлар ҳам тизимли ўргатилгани улуг алломалар қолдирган ёдномаларда қайд қилинган. Айнан дунёвий фанлар пухта ўргатилгани натижасида юртимиздан жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшган буюк даҳолар етишиб чиққан.

Советлар тарғиботи “биқик муҳит”, “жоҳилият ўчоғи”, “қолоқ ўлка” каби сифатлашлар билан ёмонотлиқ қилган Туркистонда ўн тўққизинчи аср иккинчи ярми ва йигирманчи асрнинг биринчи ярми бошланишида вужудга келган уйғонмиш жадидлар ҳаракатининг пайдо бўлиши ва кенг ёйилишига йўл очди. Жадидлар мустамлака остида қолган ўлкани озод ва обод қилиш учун аввало маорифни ривожлантирмоқ, дунёвий илмларни ўргатмоқ, ёшлар зехниятида

инқилоб ясамоқ лозимлигини яхши тушунишган ва бор билими, сармоясини шу эзгу ишга сарфлаганлар, аммо...

Юқоридаги китобдан ўқиймиз: “...1890 йилларда Қўқон ва Андижонда дастлабки янги татар мактаблари вужудга келди. Фарғонада татар ўқитувчилари дастлаб татар аҳолиси яшайдиган жойларда янги усул мактаблари ташкил қилдилар: бу мактабларда ўзбек болалари ҳам ўқир эди...”

“...1893 йилда, ўша вақтда темир йўлининг охириги пункти бўлган Самарқандга Қримдан мусулмон мактабларининг “ислохотчиси”, пантуркист Исмоилбей Гаспринский келади. У Бухородан қақирилган “қобилиятли тўрт нафар ёш йиғитга” тегишли кўрсатмалар беради: улардан бири ўша йили Самарқандда очилган янги усул мактабида ўқитувчи қилиб қолдирилди.

Кейинчалик Гаспринский Самарқандда ўзбек жадидизмига айланиб кетган ҳаракатга асос солди. ...1908 йил у Бухорога келиб кетган”.

Жадидлик ҳаракатининг отаси Исмоил Гаспрали ўлкамизга “ер ости бойлиқларини излаб” эмас, миллатнинг келажагини

яратадиган “олтин бошли ёшларни” излаб келгани ўша “қобилиятли тўрт ёш йиғитга” тегишли кўрсатмалар берганида” яққол кўринади.

1908 йилда Чор Русияси Думаси аъзоси Пален жаноблари Туркистон ўлкасини тафтиш қилиш учун келади ва барча соҳаларни синчиклаб ўрганади. Унинг Думага тақдим қилган бир неча минг варақли ҳисоботининг бир қисми айнан “ўлкада кескин уйғонишга пойдевор яратаётган янги усул мактаблари” ҳақида эди. Пален алам ва огоҳлантириш билан ёзади: “Мусулмон мактабларида янги усулнинг тарқалиш даражасидан ўлка маъмурияти ва маориф бошлиқлари татомола беҳабар бўлиб чиқди”. Унинг ҳисоботи кўп ўтмай ўз натижасини берди: 1910-1911 ўқув йилида Туркистонда элликдан ортиқ янги усул мактаблари ёпилди. Қарангки, ўлка уйғонишига қарши шум режа тузилаётган 1910 йилнинг ёзида биргина Тошкент шаҳрида бешта янги усул, яъни жадид мактаблари очилган эди.

Агарда янги усул – жадид мактаблари ёпилмаганида ўн йилнинг нари-берисида

уларнинг сони бир неча баробар ошган, ҳеч бўлмаганда ўлканинг ярим ҳудудини қамраб олган бўларди.

Чор амалдорлари янги усул мактабларига ўзларининг рус-тузем мактабларини қарши қўйишди. Бундай мактабларни очишдан мақсад ерлик халқ фарзандларига билим бериш эмас эди. Бу мактабларда асосан ҳарбийлар ва мустамлака ўлкага турли соҳаларда ишлаш учун юборилган бошқа миллат вакилларининг болалари ўқитилган. Биргина мисол: Петро-Александровск (Тўрткўл) шаҳрида 1874 йилда ташкил қилинган ана шундай мактабни 1917 йилгача 118 нафар ўқувчи тутатган бўлса, улардан атиги 17 нафари маҳаллий миллат вакилларининг фарзандлари бўлган. Ўша маҳаллий миллат вакиллари орасидан биринчи марта Европада таҳсил олган Муҳаммад ҳожи Аминнадин ўғли, Хивада тошбосма усулида китоб чоп қилган, “Отажон босма” лақаби билан танилган Отажон Абдалов ва бошқалар етишиб чиққан.

“Икки фоиз саводхон” дейилмиш ёлғонга қайтамыз. 1910 йилда Туркистон ўлкасида яшаган аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда саводлилик даражаси миқдорини тақрибан ҳисоблаймиз: совет тарихчилари расман тан олган эски мактаб ва мадрасалардаги ўқувчи ва топиблар сони бир йиллик кўрсаткичда ўртача олти юз мингга тақрибан етади. Эски мактаблар 4 йиллик, мадрасалар 7–10 йиллик ўқув дастурига эга бўлгани инобатга олинса, қирқ йил, яъни бир авлод алмашинуви даврида ушбу рақам камида уч-тўрт ҳисса ошади. Бу эса энг камида икки миллионлик рақамни ташкил қилади. У ёқда болалигида савод чиқарган ўрта ва кекса авлод мактаб ёки мадрасани тугатгач, бир кунда “саводсиз бўлиб қолмаслиги”ни ҳам инобатга олсак... “ўғри бўл – инсофли бўл” дейилмиш отасузимиз беихтиёр ёдимизга тушади – “икки фоиз” осмондан олингани маълум бўлади-қолади.

Ошқоралик даврида матбуотда эълон қилинган айрим тадқиқотларда “икки фоиз саводхонлик”ни ўша вақтда, яъни 1917 йилда рус тили ва алифбосини билганларга нисбатан қўлланилган бўлиши мумкин, деган тахминлар ўртага ташланди. Ўзларидан сўрасак, деганларидек, 1910 йилда Чор империясида аҳолининг саводхонлик даражаси атиги 6.5-7 фоиз атрофида бўлган. Бу ўша вақтда илгор Европа мамлакатларига таққослаганда энг паст кўрсаткич деб топилаган.

Бу ёғини таққослаш учун кишига олий маълумот шарт эмас.

Рўзимбой ҲАСАН,
журналист



ТАРИХ ВА ТАҚДИР

“Ўткан кунлар”ни бошидан охиригача ёддан айтидиган, умрини қонунчиликда адолат устуворлиги учун сарфлаган, халқининг маърифатли бўлиши, ўз-ўзини таниши, англаши йўлида қайғурган бу инсонни тез-тез ёдга оламан. Вафотидан сўнг деярли чорак аср вақт ўтган бўлса-да, ишонам эшиги очилиб, кўзларининг туб-тубида маҳзунлик, маъюслик ин қурган бу инсон кириб келадиғандай туюлаверади. Адҳам Музаффаров исм-шарифли бу куйинчак зотни ҳалигача қўмсайман. У кишининг суҳбатларини соғинаман.

Мен у кишини анча йиллардан буён танир эдим. Айримлар уни қаҳри қаттиқ прокурор дейишарди. Яна бирлари эса ўз иши қолиб, адибликни даъво қилаётир, дея янишарди. Мен бўлсам... мудом серҳаракат, икки оғиз гапини айтиш учун вақт топиб, ўғли, невараси тенгилар олдиға келадиған бу одамда алланечук бир сир бор деб ўйлардим. Балки, ўшанда бу хаёлга нечук борганимни ҳозир аниқ айтиб беролмасман. Лекин барибир уни сирли одамлар тоифасига қўшиб қўйганим аниқ. Эҳтимол, гаплаша туриб кўзларининг тубида зуҳур этиб тургучи изтироб менда шундай тасаввур уйғотдимикан? Ёки бўлмаса унинг ҳар гал ниманидир айтишга шайланиши-ю, лекин минг азоб билан бўғзида тутиб қолишини сезганим туфайли сир излай бошладимми?

Қайта қуриш йиллари эди. Бу галги суҳбатимиз советлар ҳокимиятидаги адолатсизликлар, бутун дунёда мустамлакачилик тугатилгани, лекин Ўрта Осиё халқлари ҳамон қарамлигича қолиб, ҳар куни “эркин, бахтиёр даврон” ҳақида қўшқлар айтилаётгани тўғрисида кетди.

Шунда унинг кўзларига қараб, қорачиқлариди оғир мунгдан ҳайратга тушдим. Бирпасдан сўнг у мени лол қолдириб, истилочилик сиёсати ҳақида сўзлай кетди. Шу-шу, Адҳам ака иккимиз кабинетда ё ташқарида ўзимиз қолсак, озодлик, мустамлакачилик, шовинистлик мавзуларида гаплашадиган бўлдиқ. Бундан унча ҳайратланмасдим, чунки ўзини қадрлайдиган, оқ-қорани анча-мунча ажратадиган ҳар бир ўзбек зиёлиси қандай тузумда яшаётганини яхши биларди. Лекин барибир Адҳам аканинг сирини анчагача очилмай қолаверди...

Ниҳоят бир воқеа сабаб бўлди-ю, у кишининг ҳаёти ҳақида гап кетиб қолди ва Адҳам ака менга бир даста қўлёмса келтириб берди. У ўзбекистонлик таниқли бир драматургга ёзилган мактуб экан. Бу мактубдан мен Адҳам аканинг оталари Музаффар мингбошининг ноҳақ айбланиб, сургун қилингани, отасининг аммаси Худоеҳонхон, ўзининг отаси эса Шермухаммадбекка хотин бўлганини билиб олдим. Сирли одамнинг сирларига қизиқишим янада ортди...

Асли қўқонлик Адҳам Музаффаровнинг ота авлоди Порсин (кейинчалик Шохимардон деб аталган) қишлоғини обод қилган ака-укалардан бири — Муроднинг қавмидан бўлади. Катта бобоси Қобил қози номи бутун Фарғона водийсида машҳур бўлган. Бобоси Мухаммаджон қирқ беш йил мингбоши лавозимда турган. Дадаси — Музаффаржон Мухаммаджон ўғли аввал Қўқонда, сўнг Бухорода ўн йил, Истанбулда уч йил таҳсил қўрган. Халқнинг ўзи уни мингбошилиқка сайлаган.

Адҳам аканинг “сирли одам”га айла-

нишидаги кейинги воқеалар аслида ўша даврдаги талотўплар, советнинг қаттол сиёсати билан боғлиқ.

“Қизиллар”нинг таъқиб тугайли Музаффар мингбоши оиласи фақат Шохимардондан эмас, балки бутун Фарғонадан бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Ўшанда Адҳам тўрт яшар бола эди, кўп нарсани билмасди, лекин ақлини танига-

“— Нега таржимаи ҳолингда ўтмишни яширдинг?

— Нимани яширибман?
— Ўзингни гўлликка солма! Нега отанг, поччанг ҳақида бир оғиз ҳам ёзмадинг?
— Мана, ёзганман-ку!
— Ёзиш бундай бўлмайди! Билмасанг, ёз, мен айтиб тураман! “Отан — Музаффар мингбоши, чор Россиясининг амалдори,

ғижимлаб олди.

Адҳам ака ўз вазифасини ижро этиш мубайнида собиқ тузумнинг хуфиёна ишларига жуда кўп дуч келди. КГБ кўпроқ уйда араб хуруфотидаги китоб сақлаганларни, исломдан дарс бераётган домлаларни тутиб келар ва прокуратурага улар устидан жиноий иш кўзгашни буюрарди. Шундай душман излашлар натижасида “қўлга

“ЎТКАН КУНЛАР”НИ ЁД БИЛГАН АДВОКАТ

ни сари воқеалар ойдинлашиб бораверди. Оила узоқ йиллар Ўзбекистондан олисда, аввал Бишкек, сўнг Жалолободда яшашга мажбур бўлди. 1937 йилги “қама-қама”лардан юрак олдирган Музаффар мингбоши хасталикка чалиниб, 1938 йили вафот этади.

Мингбоши ўлимидан олдин уйдаги арабий ҳарфларда ёзилган китобларнинг ҳаммасини ўтга ташлатади. У гарчи бор мол-мулкидан ажралган бўлса-да, қаерга кўчмасин, китобларини асраб-авайлаб олиб юрарди. Ўшанда ўн уч ёшга тўлган Адҳамнинг кўз ўнгига аясига китобларни ёқишни буюрган отасининг юм-юм йиғлаганию, улкан голланд печида олтин суви юритилган Навоий “Хамса”сининг “оҳ-воҳ” чекаётгандай чирсиллаб ёниши қолган. Отаси фақат муқаддас “Қуръон”ни ва яна уч-тўрт китобни ёқишга бермайди. Ёш Адҳам эса Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” китобини отасидан сўраб олади. Отаси бу китоб бошинга бало келтирмасин, деганида ҳеч ким тополмайдиган ерга авайлаб кўмиб қўйишини айтиб, бир амаллаб отасини кўндиради. Адҳам аканинг кейинроқ англашича, отаси “қама-қама”лар ҳадемай уларнинг ҳам бошига етиб келиши, ўзидан кейин болаларининг жони шу китоблар туфайли азобда қолмаслиги учун уларни ўтга ташлаттирган экан. Лекин барибир у ўз ҳаёти фарзандларига хавф солишининг олдини ололмади. Бунга имкони ҳам йўқ эди. Чунки инсон чуқолича қадрланмайдиган жаҳолатли тузумда одамнинг ишига қараб эмас, аксинча, отаси ким бўлган-у, қариндошлари ким ўтганига қараб баҳо бериларди.

Фақат отанинг эмас, опанинг ўтмиши ҳам Адҳам Музаффар ўғлини узоқ йиллар давомида “Коммунисттик партия ва Совет давлати учун ишончга молик шахс эмас”га айлантирди. Гарчи у собиқ тузум даврида “Улуғ Ватан уруши” деб аталган Иккинчи жаҳон урушида жонини жабборга бериб жанг қилган, коммунисттик фирқа сафига кирган бўлса-да!

опам Каромат — босмачилар ҳаракатининг кўмондони Кўршерматнинг хотини...” Ҳим, Шермухаммадбек эмиш-а! Душманни бунча бошинга кўтариб ҳурматлайсан?”

Қалам қалтирайди, юрак титрайди, қоғоз оғриқдан “оҳ” чекаверади. Адҳам ёзганларига қараёлмайди, кўз олди қоронғилашиб кетаверади. Умри давомида қалами қанча қалтирамади, юраги қанча титрамади. Бора-бора қўли кўнгикиб кетди. Лекин юрак кургур ҳеч кўнкимасди. Бўлмаса, у шунча воқеалардан кейин ҳам совет давлати адолатига ишонди, қўлига қурол олиб, Иккинчи жаҳон урушида жанг қилди, оғир яраланди.

Урушдан қайтгач, унга яна ўтмишини эслатиб қўйишди. У она юртига боролмай, Хўжандга келди. 1946 йили Москвадаги ҳуқуқшунослик институтига ўқишга кирди. Катта акиси Кўлоб тарафларда эди. Ўқини битиргач, уни орқа қилиб Кўлобга йўл олди. Уч йил Пархорда ишлади. Кейин яна Хўжандга қайтди. 1985 йилгача ҳуқуқ органларида меҳнат қилди. Орада “Сен фалончининг ўғли, фалончининг қайниси экансан”, дея бир-икки йил ишдан бўша-тишди. Лекин ўз ишининг устаси эканими, билимими, тажрибали кадрлар етишмаслиги боисми ёки айрим яхши одамларнинг шарофати туфайлими, тагин ишга чақириб олишди.

1952 йили акасини фирқадан ўчиришгач, бу ҳақда Хўжандга хабар юборишди. Ўшанда прокурор ёрдамчиси бўлиб ишлайётган ёш ва серғайрат Адҳамни ҳам партиядан ўчириб, ишдан бўшатмоқчи бўлишди. Уни уруш қатнашчиси экани асраб қолди. Барибир ҳеч қандай сабабсиз қатъий “хайфсан” беришди.

У уйга шалвираганча қайтди-ю, ўйланди. Отаси кўз ўнгига пайдо бўлиб, гоҳ “Фарҳод ва Ширин”дан, гоҳ “Сади Искандарий”дан сўзлаганда кўнгли биров таскин топди. Лекин ота яна Навоийнинг олтин суви юритилган бебаҳо “Хамса”сини ўтга ташлашни буюриб, ўзи бир чеккада юм-юм йиғлаганида, кўксини бир нима қаттиқ

олинган “зарарли диний китоблар” йўқ қилинарди. Адҳам ака оёқ остида эзилиб ётган, аслида кўпи диний эмас, девонлар, баёзларни... азиз китобларни билдирмай олар ва уйига олиб кетарди. Лекин айнан шу китобдўстлиги туфайли ҳам вақти келиб балога қолди. 80-йиллар бошида унинг устидан ёзилган “юмалоқ хат”да уйда ғаразли мақсадда диний китоблар сақлаётгани ҳам айтилган эди. Текшир-текширдан сўнг Адҳам ака Жалолободдаги голланд печида ёнаётган Алишер Навоий китобларини ўртаниб эслаб, йиллар давомида тўплаб, асраган хазинаси — юздан ортиқ китобни Республика Фанлар академиясига юборди... Кейинчалик эса “юмалоқ хат” “ижодкори”ни бир сўкса, ўздан икки ранжиб юрди.

— Шунча йил ҳуқуқ соҳасида ишлаб, нега қонунсизлик ҳақида гапирасиз, — деб сўрагандан бир гал акадан.

— Биласизми, гарчи мен қонун асосида иш қўрган бўлсам-да, ундаги кўпгина моддалар менга қаттиқ азоб берарди. Қуруқ туҳматни дастак қилиб отамни жазолашди. Кейин билсам, уни айбашда татбиқ этилган ўша модда қонунда умуман йўқ экан. Мен 1933 йилда ўғрилиқ учун ҳатто ўлим жазосигача ҳукм қилинган, 1947 йилда арзимаган мевани егани учун одамларни авахтага тикиб, давлат ва жамоат мулкини ўғирлаган, деб 25 йилгача қамалганларга ачинаман, — деганди Адҳам ака.

Адҳам Музаффаров яхши ишларди. Жиноятчиликка қарши ҳалол ва аёвсиз қурашарди. Лекин ҳар гал давлат мукофотларига келганда, уни четлатишарди. Қимматбаҳо буюмлар билан тақдирлашарди, лекин аслида унга берилиши зарур орден-медаллар бошқаларнинг кўксига тақиларди. У темир нишонларга ўч ҳам эмас, зор ҳам эмас эди. Фақатгина ўзига билдирилган наватбадаги ишончсизликдан гоҳ қуйиб, гоҳ қуларди.

Гарчи оёғида жанг майдонида орттирилган оғир жароҳатлар бўлса-да, унга уруш ногирони гувоҳномасини йиллар давоми-

да судраб-судраб, фақат Тожикистон мустақил бўлгачина беришди.

Мамлакатларимиз қизил империя асо-ратидан қутулгач, Адҳам ака очилиб-сочилиб гапирадиган бўлиб қолди. Лекин ташвиши янада ортди. “Биласизми, мен одамларимизда сиёсий, ҳуқуқий маданиятнинг пастлигидан қуйинаман. Фитрат каби олимлар аср бошида тушунган гапларни биз ҳамон тушунмаяпмиз. Ишонинг, менга бир бурда нон ва бир пиёла сув бўлса, бас. Моддий эзилишга чидаса бўлар-у, лекин маънавий эзилишга чидаш қийин...”

Бу гапларни менга саксонни қоралаган, бошидан кўп азоб-уқубатларни ўтказган, 1942 йилда Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”ини Фарғонадаги полк мактабида бир неча кун давомида ёддан айтиб берган ва айни пайтда ноҳақ қамалаётганлар су-дида, терговиди қатнашиб азобланган, ўзи бир неча роман, қисса ва ҳикоялар ижод қилган ва умрининг салмоқли қисмини таржимаи ҳолини қайта-қайта ёзишга сарфлаган Адҳам ака — Музаффар мингбошининг кенжа ўғли айтган. У раҳматли отасининг катта салоҳияти бўла туриб Жалолободдаги ветеринария станциясида сантехник бўлиб ишлагани, айрим одамларнинг Шермухаммадбекни ҳамон “босмачи” деб атаётганликларидан қуйиниб сўзлаганди...

Ўзини ҳеч қачон жадид деб атамаган, лекин жадидлар истаган эзгу ишларни амалга ошириб юрган Адҳам Музаффаров ҳақидаги дастлабки мақолам 1992 йилда “Халқ сўзи” газетасида босилган эди. Орадан ўн кўнча ўтиб ишхонамизга Адҳам ака кириб келди. Матога авайлаб ўралган китобни кўрсатди. У “Ўткан кунлар” эди. Адҳам ака қалтис йилларда ер остига авайлаб кўмиб қўйган, кейинчалик кўз қорачигидек асраган буюк роман эди у. Лотин ҳарфларида терилган китоб. Мен уни varaқлараканман, Абдулла Қодирийнинг ўлмас асарини асраб-авайлаган ва уни бошдан-оёқ ёд олган, қаршимда кўзларини юмиб олганча Отабекнинг Қумушга ёзган хатини берилиб ёддан ўқиётган инсоннинг жасоратига ҳам, ҳофиза хотирасига ҳам қойил қолардим.

Адҳам ака саксон ёшга кириб дунёдан ўтди. Шу ёшда ҳам китобни кўзойнаксиз ўқирди. У киши Хўжанднинг энг кучли адвокатларидан бири эди. Шу билан бирга, вилоятга қайси бир прокурор келмасин, Адҳам аканинг соҳадаги тажрибаси, ҳуқуқий билимларни сув қилиб ичганини эшитиб, ишга таклиф этарди. У киши адвокатлик билан бирга прокурор маслаҳатчиси бўлиб ҳам ишларди.

Мустақиллик даврида Адҳам Музаффаровнинг яна бир орузи ушалди. У кишининг романлари ва бошқа асарлари нашр этилди. Китобларига “Ўткан кунлар... ўтиб кетмас”, деб ном берди. Асарларидан бири — ҳужжатли қисса “Армия, фронт, тутқунлик ва ГУЛАГда 14 йил” деб аталади. Бу асарнинг қаҳрамони чеккан азоблар ўта жонли тасвирланган. Чунки муаллифнинг ўзи ҳам бундан кам дардни, айниқса руҳий азобни бошидан кечирмаган эди.

Хўжанд кўчаларида кезиб юрарканман, ногаҳон шундоқкина қаршимдан ўйчан Музаффар ака қийиб қоладигандай бўлаверади. У киши буюк Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”ини бир бошдан ёддан ўқиб бошлайди. Ёниб-ёниб ўқийди, асар охирига, Отабек авлодлари тақдирига келганда аламдан овози титрайди...

Ўринбой УСМОН

Хўжанд

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ТРАМП ДУНЁНИ УЧГА БЎЛИШ НИЯТИДА

АҚШ президентининг сўнгги ҳаракатлари ва баёнотлари унинг дунёни АҚШ, Россия ва Хитой ўртасидаги таъсир доираларига бўлиш истагидан далолат бераётир. Бу ҳақда “The New York Times” хабар берди.




“Трамп Россия ва Хитой билан боғлиқ каттароқ ҳодисани назарда тутган кўринади. Бу эса якуний келишув бўлиши мумкин. Айрим ташқи сиёсат таҳлилчиларининг айтишича, унинг ҳаракатлари ва баёнотлари у АҚШ, Хитой ва Россиянинг ҳар бири ер шарининг ўзига хос қисмида ҳукмронлик қиладиган дунёни тасаввур қилаётганини

англатади”, дейилади мақолада. Нашр муаллифларининг таъкидлашича, дунёнинг бундай қайта бўлиниши “XIX аср императорлик бошқаруви услубига қайтиш бўлади”.

УЧИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ БИЛАН ТАҲДИД

Россиянинг собиқ президенти Дмитрий Медведев АҚШ президенти Дональд Трампнинг “Владимир Путин олов билан ўйнашпти” деган гапига жавобан қатъий огоҳлантириш билан чиқди.



Трамп ўзининг “Truth Social” ижтимоий тармоғидаги саҳифасида шундай ёзган эди: “Владимир Путин тушунмайдиган нарсаси шуки, агар мен бўлмаганимда, Россияга

жуда ёмон бўларди. У олов билан ўйнаш-япти!”

Россия хавфсизлик кенгаши раиси ўринбосари, Путиннинг энг содиқ тарафдорларидан бири сифатида танилган Медведев “Х” ижтимоий тармоғида унга кескин жавоб сифатида шундай ёзган: “Трампнинг Путин олов билан ўйнашяпти ва Россияга жуда ёмон бўларди, деган сўзларига келсак, мен фақат битта жуда ёмон нарсани биламан — бу Учинчи жаҳон уруши. Умид қиламанки, Трамп буни англаб етади!”

РАФИҚАСИ УРГАНИНИ ИНКОР ЭТДИ

Франция президенти Эммануэль Макрон Вьетнамнинг Ханой шаҳрига расмий ташриф чоғида мамлакатнинг биринчи хоними уни шапаталагани акс этган видеога муносабат билдирди. Бу ҳақда “ABC News” хабар берди.



Муваффақиятли парвоздан сўнг учоқ эшиги ёнида юз қисми тўлиқ кўринмаган қизил кийимли шахс президентнинг юзига тарсаки тортгани тасвирга тушиб қолган.

“Рафиқам билан ҳазиллашиб тураимиз, бу видео эса гўё геосиёсий фалокатга айланиб кетди”, деган Макрон журналистларга.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТГА ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИНАДИ



Павел Дуров ва Илон Маск ҳамкорлик бўйича келишувга эришди: xAI компаниясининг Grok чатботи Telegram фойдаланувчиларига тақдим этилади.

Мессенжер орқали сотилган xAI обуналаридан 50 фоиз даромад “Telegram”га тегишли бўлади. Павел Дуров ўз иловасининг пуллик обуначилари сони 15 миллиондан органини маълум қилди.

ТЕМИРТАНЛАР ЖАНГИ

Хитойнинг шарқий қисмидаги Ханчжоу шаҳрида илк бор инсонсимон роботлар ўртасида жанговар мусобақа ўтказилди.



“Механик жанг мусобақаси” деб номланган тадбирда иштирок этган роботлар инсонларга хос муштлашиш, апперкат (пастдан юқорига қўл билан уриш) ва тепиш каби ҳаракатларини амалга оширди.

Турнир орқали роботтехника соҳасини оммалаштириш мақсад қилинган. Мазкур тадбирлар роботлар футболу ва баскетболуни ҳам ўз ичига олган.

Маълумотларга кўра, Хитой 2025 йил якунига қадар 10 мингдан ортиқ инсонсимон робот ишлаб чиқариши ва жаҳон бозорининг ярмидан кўпини эгаллаши кутилмоқда.



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

1929 йил 6 ноябрь.
Тошкент. Жадидлик ҳаракати пешқадамларидан бири Мунаввар қори Абдурашидхонов хонадони. Оқшом чоғи ҳовли атрофида турт кишининг шарпаси изғиб, сукунатни гурс-гурс қадам товушлари бузади. Тўртовлондан иккитаси ҳарбий формада, лекин эл қатори кийинганларининг турқи совуқроқ кўринади.

Кутилмаган “йўқлов” сабабини ҳали сўраб улгурмай, формалилардан бири қўлидагини уй эгалари пешонасига ниқтайди: “Ҳибсга олиш ордери”. Уйда тинтув бошланиб кетади. Шарпалардан бири тоқчадаги ноёб китоб, қўлёзмаларга чанг солади, уйнинг текширилмаган бурчаги қолмайди. Яна бирови “айб”га етгулиқ далил тополмагач ғазаби кўзиб, тинтувни том устида давом эттиради. Унинг қаҳрини томга оғир қадалаётган қадамлардан пайқаш қийин эмас, аксига, ўша замони оёқ зарбидан фанер қарсиллаб синиб кетиб, зобит шифтдан яримбел осилиб қолади. Тун чоғи сукунатни бузган бундай шовқин-сурон кўни-кўшнлар юрагига баттар ваҳм солар, борган сайин тинтувнинг даҳшати атрофга ёйиларди.

Эртаси кунги маълум бўлдики, кечаси Тошкентда жами қирқ нафар собиқ уламо ва эшонзода ҳибсга олинган. Улар орасида Қудуқбоши маҳалласидан Оловуддин Махсум, Хайридинхон Эшон, Дукчи маҳалласидан Абдувоҳид Қори, Эшонгузар маҳалласидан Ҳасан қори, Эшонхўжа домла, Оқмачит маҳалласидан Муҳиддин қори, Хонхўжа Эшон ва бошқа кишилар бор эди.

Бугун саҳифамизда тарихнинг ана шундай энг оғир, энг кескин бурилиш паллаларида халқ учун ёниб яшаган, маърифат ва эркинлик йўлида курашдан асло чекинмаган шахслардан бири – Ҳасан қори Хоний ҳақида сўз юритамиз.

У ҳақда кўплаб қимматли маълумотлар махфий хужжатлар орасида сақланаётган, 1931 йилга оид, П-33391 рақамли, 3 жилдли “Ҳасан қори Хоний тўғрисида” номли хужжатда келади, бошқа манбаларда айтарли учрамайди.

Ҳасан қори Хоний 1887 йили Тошкент шаҳрида муаллим Шораҳим ҳожи оиласида туғилган. XX аср ўзбек миллий матбуоти ва янги усулдаги миллий мактаб асосчиси, янги миллий театр

“АЙБИНГ ШУКИ, ИСТЕЪДОДЛИСАН...”



ташкилотчиларидан, маърифатпарвар, жамоат арбоби Мунаввар қорининг жияни бўлади. Ўз замонасининг кекса жадид зиёлилари орасида ниҳоятда фаол, илгор фикрли, ҳаракати ва интилиши билан ёшларни ортда қолдирадиган жонкуяр жадид маърифатпарварларидан ҳисобланган. “Турк адами марказият” фирқаси ташкил топган кезларда, унинг илк аъзоларидан бири сифатида рўхатдан ўтган.

Ҳасан қорининг фаолияти фақат сиёсий майдон билангина чекланмаган. Ташкилотчилик, маданий-маърифий ишлар, китоб тарқатиш ва ёш авлодни ўқитиш – буларнинг бари ҳаётининг ажралмас қисми бўлган. Айниқса, Тошкентдаги машҳур “Туркистон кутубхонаси”ни бошқарган йилларида китоб дўкони орқали энг янги китоб ва газеталарни бутун Туркистон бўйлаб тарқатиш билан машғул бўлган.

1910-1911 йилларда Тошкент, Қўқон, Фарғона, Наманганда кўплаб усули жадид мактаблари фаолият олиб борарди. Уларни ташкил этишда Мунаввар қорининг акалари Аъзамхон ва Муслимхон баробарида Ҳасан қори Хонийнинг ҳам хизматларини алоҳида эътироф этиш жоиз. У нафақат янгича таълим ғояларини қўллаб-қувватлаган, балки уларни ҳаётга татбиқ этишда ҳам фаол иштирок

этган. Ҳасан қорининг бундан кейинги фаолияти бевосита жадид маорифини кенг жорий этиш, халқ орасида маърифат тараққиётини тарғиб қилиш билан боғлиқ бўлиб, у тобора зиёлилар сафида фикрий етакчилардан бири сифатида танила борган.

1917 йилги февралда инқилобидан сўнг юзага келган сиёсий муҳитда ҳам у жадидлар сафидан туриб, миллий манфаатларни ҳимоя қилишда давом этади. “Турк адами марказият” фирқаси тугатилганидан кейин Коммунистик партиянинг Тошкентдаги Эски шаҳар ташкилотига аъзо сифатида қабул қилинади. У қисқа фурсат ичида шу тузилманинг партия комитети раиси сифатида иш бошлайди. Эътиборлиси шундаки, Ҳасан қори юқори партия органларидан келган кўрсатмаларни эмас, балки маҳаллий ижроия ҳокимияти – Тошкент Эски шаҳар ижроия комитетининг топшириқларини устувор деб билиб, ўз фаолиятини шу асосда ташкил этади. Бу ҳолат унинг мустақил фикрловчи, халқ манфаатларини биринчи ўринга қўювчи шахс эканини кўрсатади.

Унинг партиявий фаолияти, айниса, илгор жадидларни партияга жалб этиш ва шунинг воситасида уларни ҳимоя қилиш билан алоҳида аҳамиятга эга. Шу даврда Коммунистик пар-

тияга аъзо бўлиш учун масъул ходимлар “Иттиҳод ва тараққий” ташкилоти аъзоларининг тавсиясини талаб қилган. Ҳасан қори ўз хотираларида бу ҳақда шундай ёзган: “*Иттиҳод ва тараққий*” партиясига аъзо бўлиб кирган пайтимда, яхши тушундимки, партияга қабул қилишда инсоннинг ижтимоий келиб чиқиши, унинг қай табақадан экани масаласига жуда катта аҳамият берилар экан”. Бу фикр мисолида Ҳасан қорининг партия тизимидаги ички талаб ва табақавий ёндашувга танқидий нигоҳ билан қараб, маърифатпарварлар имкониятини кенгайтиришга астойдил ҳаракат қилгани кўринади. Зеро, жадидлар учун инсоннинг билими, шахсий фазилатлари ва халққа қайишиши биринчи ўринда турарди. Ҳасан қори Хоний ана шу қадриятларга ҳамиша содиқ иш тутарди. Шу маънода унинг фаолияти жадидлик ғояларини нафақат маданий-маърифий, балки сиёсий майдонда ҳам ёритиш ва амалга оширишга йўналтирилгани билан қимматлидир.

Кўп ўтмай сиёсий босимлар туфайли Ҳасан қори Хоний партия комитетидан чиқиб кетади ва хусусий фаолиятга ўтади. Ўша йилларда маҳаллий бойлардан Нормухаммад Нормухаммедовнинг сарқори сифатида иш бошлаб, у билан бирга Владивостокка йўл олади. Ушбу сафарни қаҳрамонимиз ҳаётидаги ўзига хос босқич, янги тажрибалар, сиёсий ва ижтимоий муҳитни чуқурроқ англаган давр сифатида баҳолаш мумкин. Владивосток Россиянинг муҳим иқтисодий ва ҳарбий нуқталаридан бири бўлгани ҳолда Ҳасан қори учун географик, мафжуравий жиҳатдан ҳам мутлақо янгича муҳит эди. У ердаги турмуш тарзи, халқлар ўртасидаги муносабат, бошқарув услуби Ҳасан қорини ички таҳлилга ундайди. Шу орқали у нафақат совет тузумининг ички зиддиятларини, балки ўзининг ва ҳаммаслақларининг қай даражада ҳаракат қилиш имкони борлигини чуқурроқ англай боради.

Владивостокдаги ҳаёт Ҳасан қорини Тошкентдаги маърифий муҳитдан бир муддат узган бўлса-да, бу узилиш аслида унинг ўз илдиэларини теранроқ ҳис қили-

шига, янада қадрлашига, жадидлик ғояларининг нечоғли муҳим эканини англашига хизмат қиларди. Чунки ташқи муҳитдаги тажриба одамни ички дунёси билан юзлаштиради.

Ҳасан қори Хоний 1922 йили Тошкентга қайтгач, эндиликда мамлакат маърифий ҳаётида олдингидан фаолроқ кўриниш беради. Бу қайтишда кўз ўнгимизда руҳан бойиб тажриба орттирган, фикран тобланган, халқ хизматига камарбаста шахс яққолроқ гавдаланади. У ўзининг энг яқин муҳити – китоб ва маърифат оламига қайтади. 1929 йилгача ЎзССР давлат нашриёти дўконида ишлайди. Кейинроқ интернетларнинг бирига ишга ўтаркан, у ерда ҳам катта ҳурмат, эътибор, ишонч қозонади.

Бироқ бу ишонч, бу садоқат уни ҳам қатағон қиличидан омон сақлаб қололмади.

Ҳасан қори Хоний 1929 йилнинг ноябрь ойида қирқ нафар уламо, маърифатпарварлар қаторида ҳибсга олинб, аввал Тошкент турмасида, кейин Москвадаги Бутирка қамоқхонасида икки йил давомида минг бир азобга дучор қилинади. Кейинчалик, Ҳасан қорига “Миллий иттиҳод” деб аталган миллатпарвар ва аксилинқилобий ташкилот билан алоқада бўлгани, шу орқали совет ҳокимиятига қарши тарғибот олиб боргани каби оғир айбовлар қўйилиб, 1931 йил 25 апрелда отувга ҳукм қилинади. Ҳукм ўша куннинг ўзидаёқ ижро этилади.

Ҳасан қори Хоний шахсиятига тўхталар эканмиз, давлат раҳбаримизнинг қатағон қурбонлари ҳақида “Уларнинг айби – буюк бўлгани. Биз шу вақтгача тарихнинг ўзимизга ёққан жойларини олиб, ёқмаган томонини яшириб ўтдик. Бировга ёқадими-ёқмай-дими, ғуруримизми-армонимизми, муваффақиятми ё хиёнатми – ҳаммасини ҳаққоний ёзиш керак”, деган гапини эслаймиз. Зотан, Ҳасан қори шахси бир жадид ўлароқ ғояларига содиқ, ҳақиқат йўлида собит, Ватанга муҳаббати билан ягона “айб”и буюклигида эканини исботлаб туради.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Маннон Рамзий Абдуллаевич – 1895 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. ЎзССР Маориф халқ комиссари Маннон Рамзий 1930 йили ОГПУ органи томонидан ҳибсга олинган. “Миллий истиқлол” ташкилотининг етакчиларидан Боту, Олтой ва бошқалар билан Совет ҳукуматига қарши кураш олиб борганлиқда айбланган. У аксилинқилобчи, миллатчи унсур сифатида қамоққа олинб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Абдурахим Тўхтабоев – 1898 йили Наманган райони Ғалча қишлоғида туғилган. Тўрақўрғондаги рус-тузем мактабда ўқиган. 1918 йилдан 1923 йилгача РКП(б) аъзоси бўлган. Аксилинқилобий тарғибот олиб борганлиқда, турли миш-мишлар тарқатганлиқда, “Қизил Ўзбекистон” газетасида ёзувчи Чўлпон ва Жулқунбойнинг мақолаларини тарқатганлиқда, “Совет ҳукумати ўзбек зиёлиларининг энг яхшиларини қамоққа олмақда ва мустамлакачилик сиёсатини юргизмоқда, совет лавозимларига ўзбек халқини эзаятган руслардан қўйилмоқда” дея ташвиқот қилганлиқда айбланган. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзолари Мўмин Рафиқов, Ином Низомбоев ва бошқалар билан яқин алоқада бўлгани, жадидлик ҳаракатида фаол иштирок этгани, Файзулла Хўжаевни мақтагани, уйдан “Ўткан кунлар” китоби топилигани учун 1937 йил 14 ноябрда ҳибсга олинган. Бу вақтда тайёрлов пунктида ишлаётган Абдурахим Тўхтабоев қулоқ, жадидлик ҳаракати штирокчиси, “Миллий иттиҳод”нинг собиқ аъзоси сифатида қораланган. Шундан сўнг у ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди билан айбланиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 17 ноябрдан ҳисобланган. 1958 йил 28 февралда реабилитация қилинган.

Қудратулла Юнусов – 1896 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Бутуниттифоқ китоб палатасида турк-татар тиллари бўйича таржимон, катта библиограф бўлган. Маълумоти олий. У 1935 йилгача партия аъзоси эди. 1935 йили “Миллий истиқлол” ташкилотига мансублиги учун партиядан ўчирилган. 1937 йил 27 августда Давлат хавфсизлиги комитети томонидан “Турк адами марказияти”, “Иттиҳод ва тараққий” ҳамда “Миллий иттиҳод” ташкилотларида фаолият кўрсатгани учун ҳибсга олинган. “Миллий истиқлол”нинг Москвадаги филиали фаол аъзоси бўлганлиқда, Совет аппаратини ёт унсурлар билан тўлдириш, ташкилот аъзоларини раҳбарлик лавозимларига қўйиш, 1931–1937 йилларда Москвада ўзбек талабаларини миллатчилик руҳида тарбиялаш ва янги алфавит комитетида зараркунандачилик олиб бориш билан шугулланганлиқда айбланиб, ЎзССР Жиноят кодексининг 58-, 63-, 64-моддалари билан ҳибсга олинган. СССР Олий судининг 1938 йил 5 октябрда Тошкентда бўлиб ўтган сайёр сессиясида Қудратулла Юнусов отувга ҳукм этилган. Кейинчалик 1957 йил 1 августда реабилитация қилинган.

Саидхон Шодмонов – 1903 йил Марғилон шаҳрида туғилган. 1922 йилдан Марғилон шаҳар комсомол комитети котиби вазифасида ишлаган. У Қўқон шаҳрида партия-совет олий мактабини тугатган. Хужжатларда қайд этилишича, Саидхон Шодмонов 1925 йил ташкил этилган “Ҳақиқат” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, ташкилотнинг Марғилон, Шахрихон, Асаса, Булунгур, Бағдод, Андижон шаҳарларида бўлимларида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилган. 1935–1937 йилларда Қорадарё сув тизими бошқармаси бошлиғи атрофда аксилинқилобий тарғибот олиб борганлиқда, Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевнинг “думи” бўлганлиқда айбланиб, 1937 йил 13 сентябрда 10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Жазони ўтаб, 1947 йилда қайтиб келган. Аммо 1949 йилда яна Красноярск ўлкасига сургун қилинган.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Нигорахон АКБАРОВА,
тадқиқотчи

(Давоми келгуси сонда).

ЮРТ ҚАЙҒУСИ

“Миллат онаси” деган номга ҳар қандай аёл ҳам муносиб бўла оладими? Қурбонжон додхоҳ ҳақида биласизми? Унда келинг, ҳаммасини бир бошидан бошлаймиз.

1811 йил 22 май. Ўш яқинидаги қирғиз овулларидан бирида айни Ҳайит куни бир қизалоқ дунёга келади. Унга Қурбонжон деган исм қўйишди. У йигирма ёшига қадар оддий оиланинг қизларидай ўсган бўлишига қарамай, нигоҳи ўткир, ақл жиҳатдан бошқалардан фарқланиб турадиган, ҳақ сўзни юзага чиқариш учун ҳаракат қиладиган ғурурли қиз бўлиб улғайган. Ота-онасининг қистовига кўра, биринчи турмушини ўзи истамаган йигит билан куради. Мажбурий никоҳ узокқа қўзилмади. Кейинчалик у ўзи каби довурак ва доно, Олой қирғизларининг бошчиси – Олимбек додхоҳнинг назарига тушиб, унга йигирма бир ёшида турмушга чиқади. Бахтли ҳаётининг дастлабки йилларида беш фарзанднинг онаси бўлган Қурбонжон зехни ўткирлиги туфайли эрининг маслаҳатчисига айланди. Улар йигирма тўққиз йил бирга умр кечиргандан сўнг Олимбек додхоҳ хон саройининг фитначилари томонидан қасддан ўлдирилди. Додхоҳлик эса ҳукумат ишларидан яхши хабардор Қурбонжонга ўтади.

Бу фурсатдан фойдаланиб қолиш мақсадида Қўқон хони кўчманчи қирғизларга ҳам солиқ сола бошлайди. Адолатсизлиқни пайқаган аёл бунга қарши чиқиб, халқини ҳимоя қилиш учун курашади. Бу аёлнинг овулдошлари ва бутун қирғиз қабилалари томонидан ҳурмат қилинганини кўрган Қўқон хони унга расман додхоҳ унвонини беради. Юқори салоҳиятга эга зукко аёл бошқарувининг довуруғи Бухоро амирлигига етади. Шу тариқа у биратўла ҳам Бухоро амирлигининг, ҳам Қўқон хонлигининг юқори лавозимига тайинланади. Эътиборли жиҳати шундаки, хонлик ва амирлик доимий низолар остида бўлган. Бир вақтнинг ўзида иккала ҳукуматда ҳам бирдек фаолият олиб бориш фақат маҳоратли



додхоҳнинг қўлидан келади.

Қурбонжон ўз қўл остидаги ўн минг отлик лашкарга бошчилик қилиб юрган бир даврда Чор ҳукумати қўшинлари Қўқон хонлиғи худудига бостириб кириб, уни эгаллайди. Шу билан бирга жанубий қирғиз вилоятлари, хусусан, Олой бўйсундирилмаганлигича қолади. Бир қанча вақт Олой қирғизлари Қурбонжон додхоҳ бошчилигида уларга бўйин элмаган. Афсуски, катта кучга эга бўлган империя чекка овулларга ҳам қонга ботган қўлларини қўзишда давом этган.

1876 йил 25 апрелда қирғиз ва рус қўшинлари ўртасида биринчи кенг қўламли жанг бўлиб, у кун бўйи давом этади. Афсуски, рус отряди душмани ўз позицияларидан сиқиб чиқаришга эришди. Катта йўқотишларга

учраган олойликлар чекинишга мажбур бўлишади. Замонавий курул-яроққа эга бўлган кўп аскарли душман бутун бошли Туркистон ўлкасини босиб олганлиги боис Қурбонжон додхоҳ ожиз қолади. Чунки кучлар тенг эмас, оддий халқ қўлбола куруллар билан мажбур тайёргарлик кўрган қўшинни енга олмади. Шу сабабли Олой маликаси тинчлик сулҳини тузиш учун Михаил Скобелев ёнига боради. Суҳбатни хушмуомалалик ила бошлаган генерал: “Эй қанча мард ўғилларнинг онаси, мени ҳам ўз ўғлинг деб бил!” дейди.

Скобелевнинг шартига биноан додхоҳ ўғилларига қаршилиқни тўхтатиш тўғрисидаги мактубни ёзишга рози бўлди. Эвазига унинг барча тарафдорлари, биринчи навбатда ўғиллари учун хавфсизлик таъминланиши, шунингдек, янги ташкил этилган ҳокимиятда бошқарув лавозимларига яқинлари тайинланиши лозим эди. Миллат бошига тушган оғир қунларни ҳис қилиб турган Қурбонжон ўз халқи бегона бошқарувчилар қўлида қолиб кетмаслигини истади.

Генерал рози бўлади ва кейин додхоҳ Олой қирғизлари ерларини империяга қўшиб олинганини ниолож расман эълон қилади. Унинг биргина мақсади – тинчлик йўли билан муроасага келиш ва аҳолини омон сақлаб қолиш бўлган. Шу тариқа Олой худудига бешта волост ташкил топди, улардан тўрттаси: Кичи-Олай, Наукат, Гулчин ва Ўзган – Қурбонжон додхоҳ шартига кўра, унинг ўғиллари Қамчибек, Мамитбек, Асанбек тасарруфига ўтди. Фақат маликанинг тўнғич ўғли Абдуллабек Олойга қайтмади.

Босиб олинган ерларни бўлақларга бўлиб ташлаш босқинчи империянинг “Бўлиб ташла ва эгаллик қил” шioriининг амалдаги кўриниши эди. Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар, деганларидай бирлаша олмадик, Туркистон ўлкасининг қарам бўлиб қолишига олиб келди. Олой худудлари бўлиб

ташланишидан олдин бўйсиндирилиши қийин кечган.

1893 йилда рус божхона инспектори икки қўриқчи ҳамроҳлигида Қурбонжон додхоҳ ўғилларидан бири – Қамчибекнинг уйига тинтув ўтказгани келади. Бу ишлар мустабид ҳукуматнинг хийласи эди. Ўша вақтда Қамчибек уйда бўлмаган. Божхоначилар унинг рафиқасида заргарлик буюмлари бор, деган баҳона билан ўрим сочини кесиб, ҳақорат қилади. Қамчибекнинг ёрдамчиси Акбалбон қасос олиш мақсадида бош қоровулни ҳам, унинг шерикларини ҳам ўлдиради. Бундан ғазабланган подшо ҳукумати 1895 йил 3 мартда ўшнинг марказий майдонида Қурбонжоннинг кўз ўнгига суюлиқ ўғли Қамчибек ва ёрдамчисини дорга тортади. Бундан қўзланган асл мақсад додхоҳни руҳан синдириш эди. Айтишларича, биринчи уриниш муваффақиятсиз тугаган, арқон узилиб кетганини кўриб турган жабр-дида она жазони бекор қилишни сўрайди. “Ана, кўрдингми, Худога ҳам хуш келмаяпти бу!” дейишига қарамасдан ижронин назорат қилувчи амалдор иккинчи марта буйруқ берган. Ойназор сув вазиётида бош кўтариб, халқни золимларга қарши қайрашга қодир эди. Аммо минглаб одамларнинг ҳаётини биргина жигарбандининг жонига алмашмади. Шунда ҳам халқнинг ғурурини кўтариш учун ўзида куч тўплаб, ўғлига қарата “Ўлимга тик қара!” дея олган.

Ўғлининг вафоти Қурбонжонга кучли руҳий таъсир кўрсатди. Натижада, у жамоатчиликни, мол-мулкни ташлаб, узлатга чекинди. Қаҳрамонимиз Ўш яқинидаги Мадий қишлоғидан кўним топди.

Қурбонжон додхоҳнинг юртсеварлиги, ақлу заковати, жасорати Туркистоннинг келажак авлод қизларига мерос бўлиб қолажак.

Рўза КАРИМОВА,
мустақил тадқиқотчи



1 ИЮНЬ – ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ



КИЧКИНТОЙЛАРНИНГ

КАТТА БАЙРАМИ

Болалар... Улар ҳақида айтилавериш ёд бўлиб кетган гаплар бу кун яна ва яна такрорланажак. Биз, катталар ҳам мана шу беғуборлик байрами баҳона ақалли бир кун ўзимиз ҳам ёш гўдакка айланамиз, қадрдон бола кўнглимизга қайтамиз.

1 июнь — она сайёрамиздаги миллиардлаб гўдакнинг хос кун. Улар миллатидан, ирқидан, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар бу байрамга дохилдирлар. Қанийди, уларнинг ҳар бирига дунёни "иссиқ бир нон каби", "ол-алвон бир пуфак", "улкан бир олма каби" бера олсак...

Бугун ер юзиде соатига 18 минг бола туғилаётган экан, улар билан бирга келажакнинг янги режалари ҳам кўз очаетир. Ахир, бу дегани ҳар кун 18 минг эҳтимолий ихтиро, ҳар соатда 18 минг кашфиёт дегани эмасми? Ҳўш, бизнинг болажон Ўзбекистонда-чи?

Ўтган йилнинг ўзиде она диёри-мизда қарийб бир миллион гўдак дунёга келди. 14 ёшга бўлган болалар сони қарийб 11 миллион нафарга етди. Бир тасаввур қилинг,

уларнинг ҳар бири бир соҳанинг етук вакили бўлиб етишса...

Аслида ҳам шундай. Болалар табиатан даҳодирлар. Фақат уларни пайқамок, тарбияламок, йўналтирмак, орзу қушларини юксак парвозлар сари руҳлантирмак лозим. Давлатимиз раҳбари айтгани каби "Болаларнинг кўзидеги нурни илғаш керак!"

Бугун минглаб, миллионлаб болани ота-оналари эмас, мобил дунё "тарбиялаётган"ини кўрапмиз. Бугун гўдакларимизнинг беғубор болалигини саробга айлантираётган ғофил катталарнинг жаҳолати ҳам гувоҳ бўляпмиз. Бугун ўз фарзандини аёвсиз калтаклаётган бағритош оналарни, ўз дилбандига зуғум ва зўровонлик қилаётган бағритош оталарни ҳам кўрапмиз. Ижтимоий тармоқ кўз олдимизда бутун ер куррасини глобус каби айлантириб, дунёнинг ҳар бир нуқтасида бор-йўқ ҳолатни аён қилмокда...

Жўмрақда оқиб турган сувни ишлатаётганимда, газ плитасининг мурвати очик тургани эсимга тушганида фарзандларимга қолдираёт-

ган меросимизни ўйляпман. Ахир мен эшитаётган қушлар сайроғини улар ҳам эшитмоғини, мен ҳидлаган гуллар ҳидини туймоқларини, ҳаётнинг менга берган неъматларидан улар ҳам баҳра олмоғини жуда-жуда истайман. Дилбандларим ҳам ўз зурриётларига бу улғ марҳаматни улашсалар, дейман. Иқлимлар ўзгармаса, ҳаволар ифлосланмаса, сув таъмини йўқотмаса, олам эса болаларнинг шодлигига чулғанса дейман...

1 июнь — қарийб 75 йилдан буён нишонланиб келаётган гўдакларнинг улкан байрами. Бу кун — дунё халқлари учун болаларни ҳимоя қилмок кун. Уларнинг эса жажжи кўлчаларида ҳаво тўлдирилган пуфаклар, она меҳридай ширин музқаймоқлар. Инсоният уларни яхши кўрмаслик қошида иложсиздир. Токи, гулнигор қизалоқлар, бахтқанот болакайлар бор экан, БОЛАЛИКни асранг, азиз одамлар! Келинг, беғубор болалиқни ҳар қандай балолардан ҳимоя қилайлик ва дунёни болаларга берайлик!

Муҳайё РУСТАМОВА

ДИЛБАНДЛАРГА ГУЛҚАНДЛАР

Болалар куни

Болалар куни
Энг зўр байрамим!
Худди шу кун
Қувнаб-йярағум!

Йиғласа йиғлаб,
Кулса кулишиб,
Ўйинчоқларин
Ўйнаб, бўлишиб,

Учиб арғимчоқ,
Юрак ҳовучлаб.
Ёпиб эринчоқ
Феълумни зичлаб.

Куним ўтар чоғ
Зўр қанотланиб.
Яхшилик қилмок
Учун отланиб.

Шодлик, шўхликми,
Шовқин, тўполон...
Уришмас ҳеч ким,
Болалар ҳайрон!

Умида АБДУАЗИМОВА



Қандай яхши

Мен онамга гул тердим,
Синалимни ҳам унутмай.
Шеър айтиб, куйлаб бердим
Улар раҳматин кутмай.

Синалимга атирғулнинг
Тиконлари ёқмади.
Қогозга ўраб бердим,
Тиконлари чақмади.

Гулчи холага бориб,
Сотиб олдим лопалар.
Сингилни қувонтириш
Қандай яхши, болалар!

Тадбиркор уста

Бузилса қай нарсангиз,
Мени излаб борсангиз,
Тузатаман қотириб,
Тенг ярмини орттириб.
Мендек асл устадан
Битта чиқар юзтадан!

Туянинг бўталоғи

Бўталоғим арзанда,
Ҳаммомни қилмас канда.
Ёзми-қшми тўрт фасл
Бориб турар муттасил.
Ким ювинса йўл очик,
Тайёр совун ва сочиқ!

Ким яшайди?

Боқсак, катта хонада
Қирқта калиш турипти.
Ким экан қиш паллада
Бунча базм қурипти?

Нуруллоҳ ОСТОН




Ҳайрон бўлиб мўралаб,
Қарасак у ёқ-бу ёқ,
Тахтачага ёзилмиш:
"Бунда яшар қирқоёқ".

Эҳтиёт бўл!

Келар бўлсанг боғчадан,
Ҳазир бўлгин кўчадан.
Уканг қўлчи тутиб тур,
Яшил йўлни кутиб тур.
Ўтказ мошин қаторни,
Сўнг олиб ўт Сатторни!

ТИЛБИЛИМ

НОМСИЗ БАРМОҚНИНГ
НОМИ БОР

Борлиқда ҳамма нарса ўз исми билан яратилган. Ниманингдир қандай аталишини билмаслигимиз унинг номсиз эканини аңлатмайди.

Масалан, бармоқларимизни олайлик. Уларнинг ҳам ўз оти бор: *бошбармоқ*, кейингиси — *кўрсаткич (шаҳодат) бармоқ*, *ўрта бармоқ*... *жимжилок* (баъзи шевадаримизда *чинақай*, *чинақоч*, *чинчалоқ*, *чинчоқ*).

Ҳа, номсиз бармоғимиз ҳам бор-а. Шошманг, нега номсиз? Суриштириб кўрсак, манамен деган тилларда ҳам аҳвол биздагидан пеш эмас экан. Масалан, рус тилида: *безымянный палец* — номсиз бармоқ; инглиз тилида: *ring finger* — узук (тақиллаган) бармоқ; турк тилида ҳам шундай: *yüzük parmağı*...

Наҳотки дунёдаги энг қадимий ва бой тиллардан бири саналмиш ўзбек тили (туркий тил) биттагина бармоқни ифода-лашга ожизлик қилса? Йўқ, хулоса чиқаришга шошилмаймиз. Ахир бизда "Девону луғотит турк" бор!

Ҳазрат Кошғарийнинг ёзишича, жимжилок ("Девон"да: жижалоқ) ёнидаги бармоқ, яъни бизнинг наздимиздаги "номсиз" бармоқнинг ҳам ўз номи бор: *жижамук*.

Китобда "Буни оз киши билади", дея изоҳланганига қараганда, минг йил аввал ҳам жижамукни бизга ўхшаб "номсиз бармоқ" деб билганлар кўпчилиқни ташкил этган бўлса керак...

Элмурод НИШОНОВ

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

Асқад Мухтор 1956 йилларнинг бошларида етимхонада бирга ўсган тенгдошларидан бирини учратиб қолади. Улар қарийб йигирма йилдан буён кўришмаган бўлса-да, адиб дўсти ҳақида унча-мунча нарсаларни эшитиб юрган экан.

У асли тарих муаллими эди. 1941 йилда урушга кетган. Кейин кўп ўтмай, бедарак йўқолгани ҳақида хабар келган. Урушдан кейин маълум бўлдики, у асирликда эмиш. Тўрт йил концлагерь даҳшатларини бошидан кечирибди. Ғалабадан кейин унинг оиласига хабар келибди: у очликдан чалажон ҳолда госпиталга жойлаштирилибди. Аммо бир йил ўтар-ўтмас, Колимада экани тўғрисида хабар топишади.

У ана шу тариқа ўн беш йиллар чамаси дўзах азобини бошидан кечирибди шўрлик.

Гавдали, юзлари тўлачадан келган бу одам кўринишидан бундай мушкулотларга йўлиққанга сира ҳам ўхшамасди. Балки, у ўзининг муқаррар тақдирини ўзгартиришга, имкони борида омон қолишга ҳаракат қилгандир. Ўнлаб сафдошларининг ўлими, балки унга тақдир бўлиб



ДЎСТ...

кўринмагандир. Нима бўлганда ҳам у ўзини омон сақлай олибди. Қайсидир маънода қисматни лаққа тушириб, муқаррар кўргилиқдан омон қолибди.

Адиб уни уйига таклиф қилади. Ахир орада йигирма йиллик азобли соғинч бор.

— Йўқ, — деб жавоб беради адибнинг ёшлиқдаги биродари, — Қўжон хонлигининг элчиси қабулхонамда кутиб ўлтирибди... Сиз ҳам боринг. Хурсонда вазият оғир...

Бобур ЭЛМУРОД
Фейсбук

ҲАЖВ



Ўзига Али Фонус (Alfons) деб ном қўйиб олган бир такасалтанг ўзини бозорга солиб, онасига қарата: "Онам, умр савдоси дейсиз, ҳар қандай савдони соққа гуллатади" деб ирпайиб турган жойи экан. Бу иддао "Лўм-лўм, Мамажон" қўшиғи оҳангига қуйланади.

Оқ теракми — кўк терак, деманг, онам,
Сенга қандай қиз керак, деманг, онам.
Каллами бу ё челақ, деманг, онам,
Челаги болга ботган бўлса, окей.

Мен истаган Чайнда, Шведда йўқ,
Унинг товари бирор брендда йўқ.
Чунки бугун чин севги трендда йўқ,
Тишни-тишга қўйиб кутган бўлса, окей.

Мулла ХУНОБ ёзиб олди.

*ИТ — сунъий интеллект назарда тутилган бўлса керак.

Jadid

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИРЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИМИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИБош муҳаррир:
Иқбол МирзоМасъул котиб:
Шухрат АзизовНавбатчи муҳаррир:
Дилмурод ДўстбековСаҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Адади — 19 729

Шундан:

Кирилл ёзувида — 8 020

Лотин ёзувида — 11 739

Медиа кузатувчилар — 44 012

Бююртма: Г — 539

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи — 222.

Ташкилотлар учун — 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилмиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” наشريёт-матбаа

акциядорлик компанияси

босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 20:45

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz